

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФIIЙ ГАЗЕТА



ШАНБА, 3 ДЕКАБРЬ 2022 ЙИЛ | №48 (2082)

www.xolisnazar.uz @xolis_nazar @xolisnazar



МАСЪУЛЛАР, ИШЧИ ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ БЕВОСИТА
ЧЕККА ХУДУДЛАРДАГИ ҚИШЛОҚЛАРДА ТУНАБ,
УША ЕРДА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ, АҲОЛИ БИЛАН
МАВЖУД МУАММОЛАР ХУСУСИДА МУҲОКАМА
ЎТКАЗИБ, ЖОЙИДА ЕЧИМ ИЗЛАШМОҚДА

ФУҚАРО МУРОЖААТ ҚИЛМАСА, БУ МУАММО ЙЎҚ ДЕГАНИ ЭМАС...

ЭНДИЛИКДА АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ЯНГИЧА ТИЗИМ АСОСИДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

3-саҳифада.

НУҚТАИ НАЗАР

ТҮЙЛАРНИ ДАБДАБАЛИ ЎТКАЗМАСЛИК

Тўғрисида қонун қабул қилиш
вақти етди



ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР КИМЛАР УЧУНДИР
«БИР ТИЙИН» БУЛЯПТИ. ДЕМАК, ҚОНУН ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАМАГАНЛАР ҲАМ ЖАЗОЛАНИШИ КЕРАК. АКС
ҲОЛДА БУНДАЙ ДАБДАБАБОЗЛИКЛАР ОДАМЛАРНИНГ
БЕЛИНИ СИНДИРИШДА ДАВОМ ЭТАДИ.

10

ҲОЛАТ

АЯНЧЛИ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ: ЯНА ҚАНЧА БОЛАЛАР ҲАЛОК БЎЛИШИ КЕРАК?



ДЕЯРЛИ ҲАР КУНИ БИР НАФАР МАҚТАБ ЎҚУВЧИСИ
ЭРТАЛАБ ЧИҚҚАН ОСТОНАСИГА ҚАЙТИБ КЕЛОЛМАЯПТИ...
АЯНЧЛИ, ШУ БИЛАН БИРГА, ҚЎРҚИНЧЛИ СТАТИСТИКА...
ШУНДАЙ ЭМАСМИ? ҚАЧОН КЎЗИМИЗ ОЧИЛАДИ?

13

МУЛОҲАЗА

ТЕЛЕФОН БАЛОСИГА ҚАНДАЙ ДАВО БОР?

Ёхуд йўқолиб бораётган халқ ўйинлари
ҳақида ким қайғуради?



МУТАХАССИСЛАРНИНГ ФИКРИЧА, ТЕЛЕФОНДАН
ЧИҚАЁТГАН НУР ИНСОН МИЯ ҲУЖАЙРАЛАРИГА ЖИДДИЙ
ТАЪСИР ҚИЛИБ, МИЯ ЎСМАСИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИБ,
ҚОН-ТОМИР ВА АСАБ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ
БУЗИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛАР ЭКАН.

15

КУН НАФАСИ

«Маҳалла раиси ўз иш фаолиятини бугунги кун талаби асосида олиб бориши учун доим ўқиб-ўрганиши, жаҳонда юз бераётган сиёсий-иқтисодий жараёнлардан, қонунчиликдаги ўзгаришлар, ахборот коммуникация соҳаси янгиликларидан хабардор бўлиши лозим».



Масъул ходимлар масъулиятли жараёнда



Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъул ходимларининг жойлардаги ўрганишлари давом этмоқда.

Қашқадарё вилоятидаги жараёнларда тизимда олиб борилаётган ишларнинг ҳолати ўрганилиб, жойлардаги бунёдкорлик ишлари, аҳоли муаммолари билан яқиндан танишилмоқда.

Нишон туманидаги ўрга-

нишлар «Юксалиш», «Орзу бўстони», «Кўксой», «Ёшлар диёри» маҳаллаларида олиб борилди. Жараёнда «Ташаббусли бюджет» ҳамда маҳаллий бюджет лойиҳалари асосида қурилган ва қурилаётган маҳалла бинолари, шунингдек, йиғинлар ҳудудлари бўйлаб олиб борилаётган кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари кўздан кечирилди.

Ишчи гуруҳ томонидан

маҳаллаларда фаолият юритадиган бешлик — йиғин раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори хизмат хоналари ҳолати ўрганилди, 2023 йилда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича таклифлар билдирилди.

Кўкдала ва Қарши туманларидаги маҳаллалар муаммолари манзилли ўрганилди, аҳоли билан мулоқот қилинди, маҳаллалар инфратузилмаларини яхшилаш борасидаги ишлар ҳолати билан яқиндан танишилди.

Кўкдала туманидаги «Чорвадор» ва «Тошли» маҳаллаларида ҳудудни ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш, қиш мавсумида кўмир етказиб берилиши ҳолати яхшиланди.

Қарши туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласида «Обод қишлоқ» дастури бўйича бажарилаётган ишлар билан танишилди. Янгидан таъмирланган кўп қаватли уйлар атрофида ноқонуний қурилган иморатларнинг бузилиши, ҳудудни ободонлаштириш борасидаги ишлар ҳолати, аҳоли мурожаатлари ўрганилди, тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Вакиллар Сингапур давлатида малака оширмоқда

Айни кунларда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг бир гуруҳ вакиллари Сингапур давлатида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсида иштирок этмоқдамиз. Ўқув-семинари интерфаол усулда олиб борилиб, бир неча йўналишларда амалий билимлар берилмоқда.



Сингапурнинг халқаро миқёсдаги даражаси ва асосий тараққиёт йўналишлари, ҳукумат тузилиши ва турли давлат органлари ўртасидаги муносабатлар, бошқарув ландшафтидаги ўзгаришларга жавобан Бутун Ҳукумат стратегик режалаштиришга ёндашуви каби машғулотларда малакали мутахассислардан керакли ахборотларга эга бўляпмиз.

Шунингдек, «Гендер тенглиги: халқаро истиқбол», «Сингапур аёлларини ривожлантириш бўйича Оқ китоб», «Инклюзив жамият учун институтлар ва қонунларни мустақамлаш», «Аёллар Низомига, хусусан, никоҳ ва ажралиш соҳаларида ўзгартиришлар киритиш борасида доимий ҳаракатлар» сингари мавзулар иштирокчиларга маъқул бўлмоқда. Айниқса, «Оилавий зўравонлик ва аёлларни Аёллар Хартиясис-

га мувофиқ ҳимоя қилиш» мавзусидаги машғулотлар қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Сингапур таълим тизими, аёллар ташкилотлари, «Тенг макон, тенг овоз ва тенг қиймат» ғояси йўлида ишлаш учун аёллар ташкилотларини бирлаштириш сингари машғулотларда ҳам фаолиятимизга доир керакли билимлар олдик.

Малака ошириш жараёнида АҚШ, Ангола, Жазоир, Бали, Бахрайн, Болгария, Гана, Гамбия, Мадагаскар, Малайзия, Монголия, Комбоджа, Шимолӣ Македония, Колумбия, Миср, Индонезия, Фаластин, Исроил, Тинч океани ороллари, Кот-д'Ивуар, Мальта, Ҳиндистон давлатларидан ҳам вакиллар иштирок этмоқда.

Алишер ТҮЙЧИЕВ,
Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи.

СЕМИНАР

Раис давр даъватидан ортда қолмаслиги керак



Қарши шаҳрида вилоятдаги барча туман ва шаҳарлардаги маҳалла раислари учун ўқув семинари ташкил этилди.

Мазкур семинар ҳудудларда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, давлат фуқаролик хизмати ва кадрлар сиёсати тўғрисидаги қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, шунингдек, махсус платформа орқали вакант лавозимларга ҳужжат топшириш тартибини жойларда тушунтириш масалаларига бағишланди.

Машғулотларда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг бир нечта моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани, жойларда кам таъминланган оилалар фарзандларига бериладиган болалар нафақаси ва моддий ёрдам пуллари

юзасидан аҳоли муаммоларини «маҳаллабай» ҳал этиш, ушбу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди. Долзарб масалалар ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр билдирилиб, ўзаро тажриба алмашилди.

— Маҳалла раиси ўз иш фаолиятини бугунги кун талаби асосида олиб бориши учун доим ўқиб-ўрганиши, жаҳонда юз бераётган сиёсий-иқтисодий жараёнлардан, қонунчиликдаги ўзгаришлар, ахборот коммуникация соҳаси янгиликларидан хабардор бўлиши лозим, — дейди Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қув-

ватлаш бошқармаси бошлиғи Шухрат Турсунов. — Мазкур ўқув машғулотларида ана шу муҳим жиҳатларга эътибор қаратилгани ҳамда таълим жараёнига юқори малакали мутахассислар жалб қилингани аҳамиятлидир. Қонунчиликдаги соҳага оид ўзгартиришлар бўйича раисларимизни ўқитиш жараёнлари кейинчалик ҳам давом этади.

Семинарларда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси, Давлат хизматини ривожлантириш ҳудудий бошқармаси, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари масъуллари иштирок этди.

ЖАРАЁН

Уйма-уй юриш натижасида 88 нафар фуқаро шифохоналарга ётқизилди. 7 нафар фуқаро ногиронлик аравачаси ва эшитиш мосламаси билан таъминланди. Халқ таълими вазирлиги томонидан 17-сонли мактаб филиалига ўқувчилар учун 60 комплект мебель ва бошқа жиҳозлар олиб келинди.

Фуқаро мурожаат қилмаса, бу муаммо йўқ дегани эмас...

ЭНДИЛИҚДА АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ЯНГИЧА ТИЗИМ АСОСИДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

МАСЪУЛЛАР, ИШЧИ ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ БЕВОСИТА ЧЕККА ХУДУДЛАРДАГИ ҚИШЛОҚЛАРДА ТУНАБ, ЎША ЕРДА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ, АҲОЛИ БИЛАН МАВЖУД МУАММОЛАР ХУСУСИДА МУҲОКАМА ЎТКАЗИБ, ЖОЙИДА ЕЧИМ ИЗЛАШМОҚДА

Давлатимиз раҳбари топшириғига мувофиқ, аҳоли билан мулоқотнинг мутлақо сифат жиҳатидан янги тизими жорий этилмоқда. Тажриба сифатида Тошкент вилоятининг оғир ҳудудларидан бири бўлган Оққўрғон тумани танлаб олинди. Унга кўра, Президент маслаҳатчиси Ғ.Мирзаев бошчилигидаги 24 та вазирлик ва идора раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳи 4 та сектор кесимида тумандаги 29 та маҳаллада фаолият олиб бормоқда.



Бу янги тизимнинг ўзига хос муҳим жиҳати шундаки, масъуллар мурожаат келиб тушишини кутиб ўтирмайди, ўзи масъул бўлган ҳудудда мавжуд бўлган муаммоларни уйма-уй, объекта-объект юрган ҳолда аниқлайди.

Нега деганда, одам ариза ёки шикоят билан мурожаат қилмаса, бу унда умуман муаммо йўқ дегани эмас.

Бундан буён давлат органлари ўзлари масъул бўлган ҳудудларда маҳаллама-маҳалла, кўчама-кўча, уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон, ҳар бир оила муаммоларини ўрганиб, уларни ҳал қилиш чораларини кўради. «Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал» деганларидек, муаммо ҳақида кимдир мурожаат қилиб келишини кутиб ўтирмасдан, халқ ичига, одамлар орасига кириб бориб, улар дуч келаётган муаммоларни эрта аниқлаб, ҳал қилиш — янги тизимдан кўзланган бош мақсад ҳисобланади.

Бинобарин, бевосита мулоқот, юзма-юз учрашувларнинг таъсир кучи янада кўпроқ бўлиб, ортиқча овозгарчиликларсиз у ёки бу масалага дахлдор янги ва қўшимча маълумотларни

аниқлаштириб олиш имконияти катта бўлади. Шунингдек, бу тизим одамларнинг юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, давлатимиз ва жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантиришга доир таклиф ва тавсияларини жамлашда таъсирчан воситага айланиши кутиляпти.

Мавзуга доир **яна бир янгилик** — туман ва шаҳарлардаги ишчи гуруҳлар ҳудудларни маҳалла ва хонадонлар, оилалар кесимида таҳлил қилиб, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан **қисқа — бир йиллик ва ўрта муддатли манзилли тадбирлар режаларини шакллантиради.**

Оққўрғонда тажриба сифатида фаолият олиб бораётган Ишчи гуруҳи туман ҳудудини маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, ҳар бир хонадоннинг шароити билан танишиб, аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларини ўрганиб, уларни тезкор ва самарали ҳал қилиш чораларини кўрмоқда. Ушбу жараёнда асосий эътибор — оғир ижтимоий аҳволдаги, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган

инсонларни қийнаётган масалаларга ечим топишга қаратилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати — масъуллар, ишчи гуруҳи аъзолари бевосита чекка ҳудудлардаги қишлоқларда тунаб, ўша ерда маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, кекса нуронийлар, фаоллар билан мавжуд муаммолар хусусида муҳокама ўтказиб, жойида ечим излашмоқда.

Шу кунгача 148 та ижтимоий соҳа объектлари ўрганилиб, 1 690 та муаммо аниқланди. Шундан 449 таси жойида ҳал этилди, 1 241 та масала бўйича ишлар назоратга олинди. Уйма-уй юриш ишларига вазирлик ва идоралар, секторлар, қўшни туманлардан 500 нафарга яқин мутахассислар қўшимча равишда жалб этилди.

Туман маҳаллаларидаги 920 та хонадон ва 15 та ижтимоий соҳа объекти ўрганилди. Уларда аниқланган 547 та масаланинг 76 таси ҳал қилинди, 471 та масала бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Мисол учун, «Маданият» маҳалласида яшовчи А.Мамазоитов хонадонига 40 метр қувор тортилиб, табиий газ таъминотига улаб берилди. Ҳудудда ташкил қилинган

чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижасида амбулатор шароитдаги 36 нафар бемор вакиллари иштирокида 663 та хонадон ўрганилди ва амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, ички йўлларнинг жами 2,7 км. қисми шағаллаштирилди.

Эътиборлиси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги вакиллари иштирокида 663 та хонадон ўрганилди ва амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, ички йўлларнинг жами 2,7 км. қисми шағаллаштирилди.

Табиий газ босимини яхшилаш ҳисобига маҳаллалардаги 2 800 тадан ортиқ хонадонларнинг газ таъминотини бир меъёردа таъминланишига эришилди. 150 та газ тақсимлаш пунктлари, 57 та аҳоли хонадонларидаги газ жиҳозлари техник кўриқдан ўтказилди, аҳолига 149 та газ баллонлари (3,0 тонна суюлтирилган газ) тарқатилди.

Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 95 та темир бетон таянчлар ўрнатилди.

Уйма-уй юриш натижасида 88 нафар фуқаро шифохоналарга ётқизилди. 7 нафар фуқаро

ногиронлик аравачаси ва эшитиш мосламаси билан таъминланди. Халқ таълими вазирлиги томонидан 17-сонли мактаб филиалига ўқувчилар учун 60 комплект мебель ва бошқа жиҳозлар олиб келинди.

«Ҳар бир оила тадбиркор» дастури доирасида ҳоким ёрдамчилари 47 нафар фуқарога 1,2 млрд. сўм имтиёзли кредитлар олиш учун ижобий тавсиялар беришди. 123 нафар фуқароларга 672 млн. сўм қўшимча субсидия маблағларини ажратилиши белгиланди.

«Мустақиллик» маҳалласи раиси Камола Ғофурованинг маълум қилишича, маҳалладаги 70 ёшли оғир ижтимоий аҳволдаги Владимир Вятчинин даволаниши учун Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонасига ётқизилди. Шунингдек, эскирган симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди.

Шу билан бирга, муддат ва маблағ талаб қиладиган қатор масалаларни келгуси йил дастурларига киритиш белгиланди. Хусусан, «Сувти» маҳалласидаги яроқсиз кўприк таъмирланиши билан камиди 400 нафар аҳолини ўйлантираётган тизимли масала ҳал қилинади. Ёки «Хонобод» маҳалласидаги 1960 йилда қурилган 450 ўринли 9-сонли мактабга қўшимча бино қурилиши режалаштирилди. Худди шундай «Маданият» маҳалласидаги 22-, 27-, 47-, 50-сонли мактабларни, айниқса, 50-мактабнинг ачинарли аҳволдаги спорт залини реконструкция қилиш, маҳаллаларнинг қишда лой, ёзда чанг кўчаларини таъмирлаш, «Кўштамғали»даги 500 та яроқсиз симёғочларни бетон устунларга алмаштириш билан минглаб инсонлар реал ҳаётида амалий ўзгаришларга эришилади.

Республика ишчи гуруҳи ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Жасур МҶМИНОВ,
Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги етакчи мутахассиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Янги ҳоким маҳалла аҳли билан учрашди

Сирдарё вилояти ҳокими вазифини бажарувчи Акмалжон Маҳмудалиев сектор раҳбарлари иштирокида Сайхунбод ва Сирдарё туманларидаги маҳаллалар аҳолиси билан учрашди.

«Бахмалсой» маҳалласидаги мулоқотларда қишлоқ инфратузилмаси, кадастр, ичимлик суви таъминоти, ички йўллар таъмири, субсидия ажратиш, тиббий хизмат, бандлик ва бошқа масалалар билан боғлиқ мурожаатлар мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ҳар бир мурожаат диққат билан эшитилиб, 73 таси жойида ижобий ҳал этилди, 25 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди. Бартараф этиш учун вақт ва маблағ талаб этиладиган 2 та мурожаат бўйича муддат белгиланган ҳолда ижроси назоратга олинди. Шу ернинг ўзиде «Ёшлар дафтари»га

киритилган йигит-қизларнинг 14 нафарига мотокультиватор, компьютер жамланмаси, тикув машинаси, электр пайвандлаш ва инкубатор ускуналари тантанали равишда топширилди.

Шундан сўнг маҳалла идора биносида ташкил қилинган тикувчилик ҳақида ишлаётган қишлоқ аёллари ва маҳалла

масъуллари билан суҳбатлашилди. Худуддаги «Ойдин йўл» кўчасида яшовчи аҳолининг ички йўллар, ичимлик суви таъминоти, эскирган электр симёғочлар бўйича муаммоларини бартараф этиш юзасидан масъуллар белгиланди.

Мухбиримиз.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари ва ёшлар етакчилари, ОАВ ва бошқа жамоат ташкилотлари Дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати, сифати ва кўлами юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга жалб қилинади.

Маҳалла – кучли ва таъсирчан жамоатчилик назоратига эга тузилма

ДАСТУРЛАР УСТИДАН КУЧЛИ ВА ТАЪСИРЧАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ, НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА МАҲАЛЛИЙ, ВИЛОЯТ ВА ЗАРУР ҲОЛЛАРДА СЕНАТ ДАРАЖАСИДА МУҲОКАМА ЭТИШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Жамоатчилик назорати, бу – давлат ҳокимияти, бошқаруви органлари ва муассасалар фаолияти устидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат туридир. «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялар – жамоатчилик назорати субъектлари сифатида белгиланган.



Аслида, жамоатчилик назорати юртимизда узок тарихий илдишларга эга. Бу институт бизда қадим-қадимдан Оқ-соқоллар Кенгаши кўринишида намоён бўлиб келган. Бу Кенгашлар маҳаллалардаги ободонлаштириш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, ўзини ўзи ҳимоя қилиш, ҳамма оғоҳ ва ҳушёр бўлиш, фарзандлар тарбиясига лоқайд қарамаслик ва бошқа жамоат ишлари билан шуғулланадиган жамоатчилик тузилмаси ҳисобланган.

Бугунги кунда давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг самарали фаолият юритишида жамоатчилик назорати омили жуда муҳим аҳамият касб этади. Давлат органлари раҳбар-ҳодимларининг қонунларга қатъий амал қилиб, ўз зиммаларидаги вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишида бу институтнинг таъсир доираси ниҳоятда юқори. Унинг йиғин ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф қилишдаги аҳамияти беқиёсдир.

«ОҒИР» МАҲАЛЛАЛАР РЕЕСТРИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ

Айтиш керакки, айна амалиётни маҳаллаларда жорий этиш мақсадида ҳар бир фуқаролар йиғинида «Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия»лар фаолияти йўлга қўйилган. Қишлоқ ва маҳаллалардаги мавжуд ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилма объектларининг ҳақиқий ҳолатини баҳолашдан ўтказиш ишларини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш бўйича Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида масъул ходимлар ҳамда ҳудудий бошқарма бошлиқларидан иборат бўлган

Ишчи гуруҳ тузилиб, барча маҳаллалар баҳолашдан ўтказилди. Баҳолаш натижаларига кўра, «оғир» деб топилган 696 та маҳалла реестри шакллантирилди.

2022 йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурига кирган 413 та (шундан 243 та «оғир» ҳудуд тоифасига кирган) маҳаллада амалга оширилган ишлар мувофиқлаштириб борилди. Шунингдек, камида 1 000 та маҳалла бинолари, уларнинг атрофи ва туташ кўчаларни муқобил энергияга ўтказиш юзасидан берилган топшириққа асосан, йиғинларнинг рўйхати ва уларга ўрнатиладиган муқобил энергия ускуналарининг ҳисоб-китоблари тайёрланди.

КОМИССИЯЛАР ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА?

Бугунги кунда 9 370 та маҳаллада «Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия»лар фаолияти йўлга қўйилган. Утган давр мобайнида ҳудудларда комиссиялар томонидан жами 10 996 мартаба жамоатчилик назорати амалга оширилди.

Жумладан, аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишга оид норматив ҳужжатлар ижро бўйича 3 679 та, электр энергияси таъминоти бўйича 2 973 та, газ таъминоти бўйича 2 856 та, сув таъминоти бўйича 3 581 та, йўл инфратузилмаси бўйича 4 326 та, таълим тизими бўйича 1 536 та, соғлиқни сақлаш бўйича 2 384 та, бошқа ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 3 001 та объектда жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Қолаверса, жамоатчилик назорати асосида давлат органларига 3 199 та мурожаат ва сўровлар юборилди, 3

691 мартаба жамоатчилик муҳокамаси, 3 626 та жамоатчилик эшитиш ўтказилиб, 3 112 та ижтимоий-маиший муаммоларнинг бартараф этилиши юзасидан жамоатчилик мониторинги амалга оширилди. Бундан ташқари, 2022 йилги манзилли дастурга киритилган 328 та маҳалла ва 188 та қишлоқларда олиб борилаётган ободонлаштириш, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Айтиш керакки, бу каби ўрганишлар жойларда ечимини кутаётган кўплаб масалаларнинг ҳал этилиши, бу борада тегишли масъуллар жавобгарлигини ошириши, ишларнинг пишиқ-пухта бажарилишини таъминлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

ҚАНЧА ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛДИ?

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 2 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бора-сида маҳаллаларда фаолият юритувчи ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторларининг 10 162 мартаба ҳисоботи эшитилди.

1-ярим йиллик якуни бўйича «қониқарсиз» фаолият юритган жами 39 та, жумладан, ҳоким ёрдамчиларига нисбатан – 6 та, хотин-қизлар фаолларига нисбатан – 14 та, ёшлар етакчиларига нисбатан – 18 та, профилактика инспекторига нисбатан – 1 та тақдимнома

киритилган.

Шунингдек, иш фаолиятини тизимли ташкил этган тўртлик ходимларини «рағбатлантириш» юзасидан жами 770 та рағбатлантириш бўйича тавсияномалар киритилган. Ҳудудий тузилмалар раҳбарлари ва маҳалла томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳокамасига маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий, маиший ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳаётидаги бошқа муаммолар юзасидан жами 513 та тақдимнома киритилган.

НАЗОРАТ НАТИЖАСИ СЕНАТДА МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

Айтиш керакки, жамоатчилик назорати йўналишида маҳаллага яна бир қатор вазифалар белгиланмоқда. Хусусан, 2022 йил 25 октябрда қабул қилинган «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига асосан, тегишли дастурларга киритилган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича Давлат қабул комиссияси таркибига маҳалла раислари киритилади.

Қолаверса, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари ва ёшлар етакчилари, ОАВ ва бошқа жамоат ташкилотлари Дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати, сифати ва кўлами юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга жалб қилинади. Бу – дастурлар ижросидаги кўзбўямачиликлар, «мендан кетгунча – эгасига етгунча» қабилидаги ишларнинг олдини олади, қурувчилар масъулиятини оширади.

Шу билан бирга, маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги роли ва мавқеини, маҳаллий бошқарув органларининг жойлардаги муаммоларни бартараф этишдаги масъулиятини янада ошириш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар) бўлимида қошида «Маҳалла ифтихори», «Меҳр ва саховат» кўкрак нишони совриндорлари, энг тажрибали маҳалла раислари (жумладан, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари), ҳуқуқшунос ва бошқа тор мутахассисликлар (юрис, иқтисодчи, қурувчи, агроном, педагог, журналист ва ҳоказо) бўйича ишлаб нафақага чиққан фаол нуронийлардан иборат «Жамоатчилик кенгаши» фаолияти йўлга қўйилади.

Ушбу Кенгашлар ёрдамида маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган манзилли Дастурлар устидан кучли ва таъсирчан жамоатчилик назорати амалга оширилади, натижалари бўйича маҳаллий, вилоят ва зарур ҳолларда Олий Мажлис Сенати даражасида муҳокама этиш тизими жорий этилади.



Дилшод ҲАСАНОВ, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги Маҳаллада жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўлими бошлиғи.

«ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА»

Жинойтчиликни жиловлашда аҳолининг кам таъминланган, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган, ногирон ҳамда доимий меҳнат билан банд бўлмаган қатламлари билан ишлашга қаратилган «ижтимоий профилактика» тизими йўлга қўйилди. Натижада мавжуд 9 370 та маҳалланинг 4 558 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Ҳатто хато қилганлар ҳам тўғри йўлга бошланади

ЙИГИН РАИСЛАРИ ТОМОНИДАН МАҲАЛЛАДАГИ МУАММОЛАР УЙМА-УЙ ЮРИШ, ИЖТИМОЙ АҲВОЛИ ВА ТУРМУШ ШАРОИТИ ОҒИР ОИЛАЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИ ОРҚАЛИ АНИҚЛАНМОҚДА



Исмолиддин ҲОЛИҚОВ, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини жорий этиш, маҳаллалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўлими бошлиғи.



РАИС ҚАНДАЙ ВАКОЛАТЛАРГА ЭГА?

Давлатимиз раҳбари 2020 йил якунида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида маҳалла тизимининг жамият ижтимоий-маънавий тараққиётидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, соҳа фаолиятини чуқур ислоҳ этиш мақсадида бутунлай янги мезон — «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини илгари сурди. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги зиммасига мазкур тамойилни ҳаётга тўлақонли ва самарали жорий этиш вазифаси юклатилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланиб, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тизимга янги иш услубларини кенг татбиқ этиш, маҳалла тизимига аҳоли муаммолари билан ишлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш, бир сўз билан айтганда, ушбу ноёб институт том маънода жамиятнинг миллий бошқарув идораси бўлиши учун унга яқиндан кўмаклашиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, бевосита маҳаллаларда аҳоли муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш тизими кучайтирилиб, ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспекторлари фаолияти йўлга қўйилгани «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимнинг тўлақонли жорий этилишида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Маҳалла раисига ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспекторларининг

муаммоларини бартараф этишга йўналтириш ҳамда бу борда жамоатчилик назоратини ўрнатиши, улар фаолиятини баҳолаши, натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ахборот киритиб бориши, уларни рағбатлантириш ёки жазо чораларини қўллаш бўйича мазкур ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларига кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдирномалар киритиши каби кўшимча ҳуқуқлар берилгани узвий ҳамкорлигимизни янада кучайтирди.

Эндиликда йигин раислари томонидан маҳалладаги муаммолар уйма-уй юриш, ижтимоий аҳоли ва турмуш шароити оғир оилаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, эҳтиёжманд оилаларни ўрганиш бўйича ўтказилган сўровнома натижалари орқали аниқланиб, аниқланган муаммолар тоифаларга ажратилган ҳолда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспекторлари ва бошқа давлат органларига йўналтирилмоқда.

ҚАНЧА ФУҚАРОГА ҲИМОЯ ОРДЕРИ БЕРИЛДИ?

Маҳалла раиси томонидан аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда муҳокамалар ўтказилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида маҳалла ҳудудида содир этилган, олди олиниши мумкин бўлган жиноятлар аҳоли орасида 45 899 маротаба муҳокама қилиниб, масъул ташкилотларнинг фаолиятига баҳо берилди.

Профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли билан узвий ҳамкорлик

натижасида муайян яшаш жойига эга бўлмаган 3 619 нафар шахснинг, қаровсиз ва назоратсиз қолган 14 944 нафар вояга етмаганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси таъминланди. 218 нафар гиёҳвандликка муккасидан кетган, 1 938 нафар спиртли ичимликка ружу қўйган ва 1 828 нафар тажовузкор-руҳий касаллар мажбурий даволашига ётқизилди.

Яна бир жиҳат — оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликлар қурбони бўлаётган, тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган 25 869 нафар хотин-қизга ҳимоя ордери берилишида амалий кўмак берилди. Айтиш керакки, «ҳимоя ордери» тазйиқ ва зўравонлик қурбони бўлган жабрдийда хотин-қизларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан берилади. Турмуш ўртоғи, қайнота-қайнонаси, қайсингиллари, кўни-кўшни, иш жойида бўлса, раҳбари ва бошқалар томонидан жисмоний ёки руҳий зўравонлик қурбонига айланган аёллар мазкур ордер асосида қонуний тарзда муҳофаза қилинади.

Бунда аёллар тазйиқ ё зўравонликка учрагани ҳақида ўз вақтида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Миллий руҳиятимиздан келиб чиққан ҳолда, аёлларимиз бундай ҳолларда мурожаат қилишга уялади. Бироқ бундай ҳолатларни аниқлашнинг турли хил йўллари бор. Фақат жабрланувчининг мурожаати орқали эмас, балки ён-атрофдагиларнинг ҳам мурожаат этиши мумкинлиги белгиланган. Масалан, жамоатчилик, иш жойларидаги фаоллар, раҳбарлар, маҳалладаги хотин-қизлар масала-

лари бўйича мутахассислар, кўни-кўшнилар. Қонунчиликка кўра, аниқланган ёки келиб тушган барча зўравонлик ҳолатлар юзасидан маълумотлар ҳудудий профилактика инспектори томонидан ўрганиб чиқилиб, 24 соат ичида ҳимоя ордери бериш чоралари кўрилади.

КОМИССИЯ ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРАДИ?

Ҳар бир маҳаллада осойишталикнинг бузилишига сабабчи бўлаётган оилаларнинг турмуш тарзи ва муҳитини ўрганиб, тинчлик ва тотувликка салбий таъсир кўрсатувчи омилларга барҳам бериш мақсадида «Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси» фаолияти йўлга қўйилган. Комиссия фаолияти маҳалла раиси томонидан ташкил этилади ва мувофиқлаштириб борилади.

Ўтган давр мобайнида мазкур комиссиялар томонидан низоли оилалардаги муҳитни соғломлаштириш борасидаги ишлар натижасида 8 348 та оиланинг нотинчлигига барҳам берилиб, 3 182 та оила ажра-

либ кетишининг олди олинди.

Шунингдек, маҳаллаларда «Хавфсиз маҳалла» тамойилини жорий этишда 16 мингга яқин ёшларни ўз ичига қамраб олган «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари ташкил этилгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ҳозирги кунда асосий эътибор соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалаларига қаратилмоқда. Биргина ўтган даврда жиноятчиликни олдини олиш мақсадида 311 892 та объектга видеокузатув камералари ўрнатилди.

Қолаверса, жиноятчиликни жиловлашда аҳолининг кам таъминланган, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган, ногирон ҳамда доимий меҳнат билан банд бўлмаган қатламлари билан ишлашга қаратилган «ижтимоий профилактика» тизими йўлга қўйилди. Амалга оширилган ишлар натижасида мавжуд 9 370 та маҳалланинг 4 558 тасида (48,6 фоиз) жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Шу билан бирга, 1 703 тасида жиноятлар сони камайди ёки барқарор сақланди.

Обод ва хавфсиз — ўзбек маҳаллалари азалдан ана шундай мақомга эга бўлиб келган. Худуднинг ободлиги, хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда деярли ҳар бир маҳалла аҳли ўз масъулиятини ҳис этиб келган. Қолаверса, халқимизда «Бир болага етти маҳалла ҳам она, ҳам ота», деган нақл бор. Мана шу биргина мақолнинг ўзи фарзанд тарбияси биз учун нечоғлик муҳим эканини англатади. Одатда, маҳалла аҳли, айниқса, нуруний отахону онахонларимиз кўча-кўйда нобоп хатти-ҳаракат қилаётган бола олдидан ҳеч қачон бепарво ўтиб кетишмайди, шу заҳотиёқ танбеҳ бериб, тўғри йўлга солишади. Ана шундай тарбия муҳити бугун маҳаллаларимизни янада обод ва хавфсиз гушага айлантирмоқда.

ТАРАҚҚИЁТГА ЮЗ ТУТИБ...

Электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш мақсадида 30 та маҳаллада 37 км. масофага электр узатиш тармоқларини тортиш ва 21 та трансформатор пунктларини ўрнатиш ишлари белгиланган. Шу кунгача 7 та маҳаллада 132 та темир-бетон таянчлар ўрнатилиб, бу борадаги жараён давом этмоқда.

«Одамлар рози бўлсагина вазифамизни бажарган бўламиз»

2022 ЙИЛ БОШИДАН БУЁН ВИЛОЯТ БЎЙИЧА ЖАМИ 85 ТА МАҲАЛЛА БИНОЛАРИ ҚИСМАН, 21 ТАСИ ТЎЛИҚ ТАЪМИРЛАНДИ, 10 ТА ЙИГИН БИНОСИ ҚАЙТАДАН ҚУРИБ БЕРИЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 октябрда қабул қилинган «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашда Андижон вилоятида ижобий натижалар қайд этилмоқда. Эътиборлиси, бу йўналишда, энг аввало, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари қаторида қаралаяпти. Зеро, муносиб шарт-шароит яратилсагина соҳада кутилган натижага эришиш мумкин.



Шундан келиб чиқиб, вилоятимиздаги маҳалла фуқаролар йиғини идоралари учун янги бинолар қуриш, мавжудларини таъмирлаш, тизимда фаолият курсатаётган ходимлар учун муносиб шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Вилоятдаги **891 та** маҳалланинг **799 таси** алоҳида хизмат биноларига эга бўлиб, **3 та** маҳалла 1 хонали, **38 таси** 2 хонали, **173 таси** 3 хонали, **434 таси** 4 хонали, **151 таси** 5 ва ундан ортиқ хонали биноларда фаолият юритиб келмоқда. Лекин **92 та** маҳалла хизмат биноларига эга эмас. Шундан, **65 таси** ташкилотлар ва тадбиркорларга қарашли биноларда, **26 таси** ижтимоий соҳа объектларида, **1 таси** туман ҳокимлиги балансидаги бинода вақтинча фаолият олиб бормоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 февралдаги тегишли қарори билан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мажмуаларини ташкил этиш бўйича 2021-

2022 йилларга мўжалланган Манзилли дастур қабул қилинган бўлиб, шу асосда жорий йил **68 та** маҳалла фуқаролар йиғинининг мажмуаларини барпо этиш белгиланган эди. Бунда 55 та маҳалла давлат-хусусий шериклик асосида ва 13 таси маҳаллий бюджет маблағларининг қўшимча манбалари ҳисобидан қурилиши кўзланган. Бугунги кунга қадар **47 та** маҳалла бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ҳозирда **21 таси**да қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Йил якунига қадар улар ҳам фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, «2022-2026 йилларда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига асосан, 2022 йил давомида **11 та** маҳалла биноларини қуриш, **4 тасини** қайта қуриш, **3 тасини қисман таъмирлаш** белгиланган эди. Ҳозирда **8 та** маҳалла бинолари янгидан қурилди,

3 таси қисман, **2 таси** тўлиқ таъмирланди. Қолган **5 та** маҳаллада айни пайтда қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Умуман олганда, 2022 йил бошидан буён вилоят бўйича жами **85 та** маҳалла бинолари қисман, **21 таси** тўлиқ таъмирланди, **10 та** йиғин биноси қайтадан қуриб берилди.

Ўз навбатида маҳалла фуқаролар йиғинлари жами **1 281 та** компьютер жамланмаси билан таъминланган. Йиғинларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2021 йил ва 2022 йилнинг 9 ойи давомида **101 та** компьютер ва принтер жамланмалари, **100 та** мебель тўпламлари тақдим этилди.

Шунингдек, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш мақсадида **581,1 млрд. сўм** маблағ ажратилган бўлиб, амалга оширилган лойиҳалар туфайли **473 та** маҳаллада ҳамюртларимизнинг ижтимоий ҳолатини яхшилашга эришилиши кутилмоқда.

Ўрганишларда маълум бў-

лишича, бугун вилоятдаги 272 та объектада сув тармоқларини янгилаш, 173 та манзилда ички йўллар ҳолатини яхшилаш, 30 та жойда эса электр энергияси билан боғлиқ масалаларга ечим топиш лозим. Биргина Марҳамат туманида 45 млрд. сўм маблағ эвазига 32 та маҳаллада аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммолар барта-раф этилмоқда.

Олтинқул туманидаги «Сарой» маҳалласида ички йўлларни асфальтлаш қизғин паллага кирди. Шахрихон туманидаги «Қайрағоч гузар» маҳалласида тоза ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ муаммо ҳанузгача ечимини топмай келаётганди. Бугунги кунда бу ерда битта сув қудуғини қуриш ва 3 км. масофага янги сув қувурини тортиш орқали муаммо ҳал қилинадиган бўлди. Туманда бу каби долзарб вазифалар ижросини таъминлаш учун 71 млрд. 348 млн. сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, бунинг натижасида 44 та маҳаллада

шарт-шароитлар яхшилани-моқда.

Вилоятда электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш мақсадида 30 та маҳаллада 37 км. масофага электр узатиш тармоқларини тортиш ва 21 та трансформатор пунктларини ўрнатиш ишлари белгиланган. Шу кунгача 7 та маҳаллада 132 та темир-бетон таянчлар ўрнатилиб, бу борадаги жараён давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллалардаги ижобий ўзгаришлар юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлаш билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Энг катта мақсадимиз — одамларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига эришишдан иборат.

Маҳаммадjon НИШОНОВ,
Андижон вилояти
Маҳалла ва нуронийларни
қўллаб-қувватлаш
бошқармаси бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Кексалар ҳаёт йўли ёшларга ибрат

Жарқўрғон туманида вилоятнинг шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган нуроний отахон ва онахонлар, меҳнат фахрийлари ва ёшлар иштирокида «Уч авлод учрашуви» тадбирлари ўтказилди.

Дастлаб тадбирлар туман Маданият марказида ташкил этилган байрам концерт дастури билан бошланди. Тадбирда сўзга чиққан нуронийлар, жамоатчилик фаоллари тарих учун қисқа вақт бўлган ўттиз бир йил инсон учун катта вақтни англантишини, бу йиллар давомида машаққатли, шижоатли ва оғир йўллар босиб ўтилганини таъкидлашди. Бу давр ичида салмоқли натижаларга эришилди, очиқлик сиёсатида дадил қадам ташланди. Ўзбекистон дунёга қайта бағрини очди. Бугун қўшниларимиз,

ривожланган давлатлар билан яқин дўстмиз.

Самимий мулоқотларда тинч ва хотиржам ҳаётимиз, фаровон кунларимизга шукроналик тилга олинди. Санъаткорлар томонидан ижро этилган концерт дастури тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият ва завқу-шавқ улашди. Шундан сўнг, иштирокчилар учун Жарқўрғон туманида жойлашган «Самандар Термизий» зиёратгоҳига ташриф уюштирилди.

Кечки пайт «Файз» тантаналар саройида байрам дастурхони ёзилиб, миллий либослар ҳамда урф-одат-

ларни ўзида мужассам этган кўргазмалар намоиши ташкил этилди. Сурхондарё вилоятидаги давлат ва жамоат арбоблари, барча тармоқларда меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари, ўз соҳасида катта ютуқларга эришган ёшлар бир даврада жамланди. Уларнинг хизматлари эътироф этилиб, эл-юрт равнақида муносиб ҳисса қўшаётган уч авлод вакилларида бир гуруҳи вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ҳамда совғалари билан тақдирланди.

Ғулом ХИДИРОВ.



МИНБАР

Қишлоқ хўжалигида – 45,2 минг, инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига – 19,8 минг, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига – 22,6 минг, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва «Оилавий тадбиркорлик» дастури доирасида – 12,4 минг нафар сирдарёликлар бандлиги таъминланади.

Сирдарёда барчанинг бандлиги таъминланади

ЭЪТИБОРЛИСИ, СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ БОШЛАГАН АКМАЛЖОН МАҲМУДАЛИЕВ ДАСТЛАБКИ ИШНИ МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ШАРОИТЛАР БИЛАН ТАНИШИШДАН БОШЛАДИ

Бугун Сирдарё вилояти катта ўзгаришлар оғушида. Бу улкан бунёдкорликлар, янгиланишларнинг энг муҳим жиҳати – одамлар онги ва тафаккури ўзгарганида, дейиш мумкин. Жумладан, барча соҳалар қатори маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, муаммоларга маҳалланинг ўзида ечим топиш бўйича сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди.



Айтиш керакки, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида маҳаллалардаги бешлик ҳамкорлигида ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, 2022 йилнинг 1 ярим йиллигида 31 871 нафар фуқаронинг 7 382 нафари (23,2 фоизи) ишга жойлаштирилган. Уларнинг катта қисми Боёвут тумани (1 181 нафар), Сирдарё тумани (1 130 нафар), Гулистон шаҳри (888 нафар) ва Ховос тумани (787 нафар) ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунда асосий эътибор «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари» ҳамда «Темир дафтар»га киритилган ишсиз фуқаролар, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган ва чет элдан қайтган фуқароларни ишга жойлаштиришга қаратилмоқда.

Бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда чет давлатлардан қайтиб келган 6 658 нафар юртдошимизнинг 4 914 нафари (73,8 фоиз) қурилиш, ободонлаштириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига ишга жойлаштирилди. Ўзини ўзи банд қилиб, тадбиркорлик фаолияти

ни бошламоқчи бўлган 823 нафар ишсиз фуқарога меҳнат қуроллари, томорқа ер эгаларига энгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш учун 1,4 млрд. сўмлик давлат субсидиялари ажратилган.

Президентимизнинг куни кеча қабул қилинган «Сирдарё вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини кўпайтириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Унга мувофиқ, 2023 йилда вилоятда қўшимча 100 мингта иш ўрини яратилади. Жумладан, қишлоқ хўжалигида – 45,2 минг, инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига – 19,8 минг, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига – 22,6 минг, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва «Оилавий тадбиркорлик» дастури доирасида – 12,4 минг нафар сирдарёликлар бандли-

ги таъминланади. Бу эса яқин йилларда вилоятда бирорта ишсиз қолмайди, деганидир. Эътиборлиси, Сирдарё вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчи сифатида фаолият бошлаган Акмалжон Маҳмудалиев дастлабки ишни маҳаллалардаги шароитлар билан танишишдан бошлади.

Халқимизда «бирор ернинг ободлигини кўрмоқчи бўлсанг, бозорини, халқининг маънавияти, диёнати ҳақида билмоқчи бўлсанг, мазорини кўр», деган нақл бор. Зеро, бозорлар юрт ободлигини, тўкин-сочинлигини англагач, қабристонлар ўтиб кетган ота-боболаримиз, яқинларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром мезони ҳисобланади. Шу маънода вилоят ҳоқими вазифасини бажарувчи А.Маҳмудалиев бир гуруҳ нуронийлар ва фаоллар ҳамроҳлигида Боёвут туманидаги «Бекат» маҳалласи ҳудудида жойлашган қабристонни зиёрат қилди.

Шундан сўнг сектор раҳбарлари ва тегишли масъуллар Гулистон деҳқон бозори ва эски бозор ҳудудида бўлишди. Сотувчи ва харидорлар-

га яратилган шарт-шароит, санитария-эпидемиология қоидаларига риоя этилиши ҳолатлари кўздан кечирилди. Сотувчилар ва харидорлар билан мулоқот қилиниб, улар учун қулай шарт-шароит яратиш борасидаги таклифларига эътибор қаратилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, тегишли мутасаддиларга таклиф лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича вазифалар юклатилди.

– **Биринчи навбатда бозорлар ҳудудида сотувчи ва харидорлар учун муносиб шароит яратишимиз керак. Негаки, вилоятга келган ҳар қандай меҳмон, аввало, бозорга киради. Ҳар қанча оғир бўлмасин, бу ишга киришамиз. Агарда элполмасак, ўз вазифамизни бажара олмадик, деб ҳисоблашимиз лозим, — дея таъкидлади вилоят ҳоқими масъулларга қарата.**

Эски деҳқон бозори атрофидаги аҳоли тураржойлари ўрганилиб, кўп қаватли уйларда яшовчилар билан суҳбатлашилди. Сўнгра нисбатан оғир ҳудуд саналадиган «Нурф-

шон» маҳалласида аҳолининг яшаш турмуши ўрганилди. Шу ернинг ўзида маҳалла бешлиги – раис, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори фаолияти билан яқиндан танишилди.

Учрашувда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, «Яшил макон» каби масалалар асосий эътиборда бўлди ва ушбу йўналишларда тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалга ошириш юзасидан зарур топшириқ ҳамда кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, вилоят ҳоқими Ховос туманидаги маҳаллаларда бўлиб, аҳолини фикр-мулоҳазалари билан танишди. Ҳудудлардаги аҳволни янада яхшилаш, ишсизликни тугатиш учун уларнинг таклифлари ўрганилди.

Ўлмасжон МАМАДАМИНОВ, Сирдарё вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Деҳқонтўда» да бунёдкорлик қизғин давом этмоқда

Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси аҳолини жамоавий қарорлар қабул қилиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат томонидан берилаётган имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланишга ўргатди.

Таҳлилларга кўра, лойиҳанинг 2022 йилдаги биринчи босқичида 6,7 миллионга яқин юртдошларимиз қатнашди. 2 215 та лойиҳа энг кўп овоз олган ҳолда молиялаштиришга тавсия этилиб, 1,1 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шу билан бирга, давлат раҳбарининг 2022 йил 7 апрелдаги тегишли қарорига асосан, жараёнда 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 139 та лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча равишда 85,4 млрд.

сўм маблағ йўналтирилди. Эътиборлиси, мазкур имкониятлардан энг кўп фойдаланган ҳудудлар орасида Фарғона вилояти алоҳида ажралиб турибди. Жумладан, Бешариқ туманидаги «Деҳқонтўда» маҳалла фуқаролар йиғинида «Ташаббусли бюджет» дастури асосида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. 3 880 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган маҳалланинг ҳудуд, кўча ва масканлари бўйлаб кенг кў-

ламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Айни кунларда маҳалланинг Гулзор кўчаси бўйлаб 150 та янги темир-бетон таянчлари ўрнатилиб, электр узатиш тармоғи тортилмоқда. Дастур доирасида ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган амалий тадбирлар маҳаллада жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Мухбиримиз.



ЖАРАЁН

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Шаҳримизда бу масала масъул ташкилотлар, жумладан, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими назорати остида амалга оширилмоқда.

Мақсад ва ҳаракат уйғунлиги натижада акс этади

АЛБАТТА, ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРНИ БИТТА МАҚОЛАДА САНАШИМИЗНИНГ ИМКОНИ ЙЎҚ. ШУНГА ҚАРАМАЙ, МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАҲАЛЛАЛАР ОБОДЛИГИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Янгийул шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими айни пайтда фуқаролар билан ишлаш, муурожаатларга ўз вақтида ечим топиш масалаларига устувор аҳамият қаратган. Зеро, одамлар биздан рози бўлсагина, ишимизни самарали, деб айта оламиз. Бунда маҳалла фаолларининг иш шароитларини яхшилаб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Бугунги кунда шаҳримиздаги 22 та маҳалла фуқаролар йиғинининг ярми ўз биносига эга эмас. Мазкур маҳаллалар фаоллари бошқа корхона-ташкilot ва таълим муассасалари хизмат биноларида иш олиб боради. Бу ўринда мазкур вазият йиллар давомида ўзгармай келганини таъкидлаб ўтиш керак.

Шукрки, кейинги пайтларда маҳалла тизимида бошланган туб ислохотлар Янгийулда ҳам ўз аксини топа бошлади. Биноси йўқ 10 та маҳаллада намунавий лойиҳалар бўйича давлат-хусусий шериклиги шартлари асосида мажмуалар қурилмоқда.

«Янгиобод» маҳалласи 2020 йилда ташкил топган. Асосан кўп қаватли уйлардан иборат ҳудудда янги маҳалла биноси бунёд этилмоқда. Айни вақтда қурилиш ишлари тугалланиш жараёнида, бинони электр, газ, сув

тармоғига улаш ишлари кетяпти. Маҳалла раиси ва ходимлар иш фаолиятини олиб бориши учун мебель жиҳозлари ажратилган. Шу каби ишлар шаҳримизнинг «Фаровон» «Мустақиллик», «Рамадон» «Сабо» «Файзобод», «Бахт», «Наврўз» маҳаллаларида ҳам олиб борилмоқда.

«ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРИ – АМАЛДА

Шаҳарда 2022 йилда «Обод маҳалла» дастурига «Нов» ва «Баҳор» маҳаллалари киритилган эди. Бугунги кунда лойиҳалаштириш ишлари амалга оширилиб, ички кўчалар: Шодиёна, Мевазор, Узумзор кўчаларига шағал ётқизилди. Баҳор дам олиш уйи кўчасига лотоклар ўрнатилди. Маҳаллалардаги эски симёғочлар ўрнига темир-бетон таянч устунлар ўрнатилмоқда. 2023 йилда

«Обод маҳалла» дастурига киритиш учун «Янгиҳаёт» ва «Мустақиллик» маҳаллалари таклифи берилди.

Янгийул шаҳрида «Яшил макон» умуммиллий дастури асосида 17 минг дона терак қаламчалари ва 16 минг туп турли манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилиши назарда тутилган эди. Айтиш жоизки, маҳаллаларга дарахтларни парвариш қилиш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишчилари масъул этиб белгиланган.

МОДДИЙ ЁРДАМ КИМЛАРГА БЕРИЛДИ?

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Шаҳримизда бу масала масъул ташкилотлар, жумладан, Маҳалла ва

нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими назорати остида амалга оширилмоқда. Жумладан, 107 нафар ногиронлиги бор кам таъминланган шахсларнинг 74 нафарига «Саховат ва кўмак» жамғармасидан 218 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилгани бунга яққол мисол бўлиши мумкин. Улардан 62 нафарига тиббий, 9 нафарига психологик ва 1 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган.

Жорий йилнинг июнь ойида Президентимизнинг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, «Темир дафтар»да турган 60 та оиланинг 205 нафар аъзосига 4 100 килограмм, шунингдек, 110 та ижтимоий аҳоли оғир оилаларнинг 314 нафар аъзосига 6 280 кг. миқдорида ун маҳсулотлари

тарқатилди. Бундан ташқари, ўзгалар парваришига муҳтож ва ёлғиз яшовчи кексалар, шароити оғир ва кам таъминланган кексаларнинг 4 нафарига ногиронлик аравачаси, 6 нафарига қўлтиқтаёк, 5 нафарига ҳасса ва 5 нафарига эшитиш электрон қон босимини ўлчаш учун мўлжалланган жиҳозлар берилди.

Албатта, халқ манфаати йўлида амалга оширилган ишларни битта мақолада санашимизнинг имкони йўқ. Шунга қарамай, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари маҳаллалар ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатини давом эттиради.

**Анвар ИБРАГИМОВ,
Янгийул шаҳар Маҳалла
ва нуронийларни қўллаб-
қувватлаш бўлими бошлиғи.**

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Энди қиш кунлар беташвиш ўтади

Тошкент вилояти маҳаллаларида «Темир дафтар» рўйхатига киритилган оилалар хонадонларига қуёш панеллари ўрнатилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 9 сентябрдаги «Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида вилоят ҳокими Зойир Мирзаевнинг тегишли фармойиши эълон қилинди.

Унга кўра, вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан Қуйи Чирчиқ, Бекобод, Бўка

туманларидаги «Темир дафтар»ларга киритилган 100 нафар эҳтиёжманд оилани қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминлаш учун 2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Айни пайтда Бўка туманидаги хонадонларда мазкур қурилмалар ўрнатилмоқда.

Ушбу ҳудудларда куз-қиш мавсумида электр таъминотида узилишлар бўлиб туради. Янги ташаббус эса аҳолининг оилалар

шароитига кўмак беради. Шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимининг тегишли фармойишига асосан, маҳаллий бюджет ҳисобидан «Ёшлар дафтари»га киритилганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағларини шакллантириш учун 2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу орқали жойларда ёшларга оид мавжуд муаммолар ҳал этилади.



ЖАРАЁН

Тумандаги мавжуд 70 маҳалладаги аҳоли хонадонларига 268 900 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган бўлиб, вазифа ортиғи билан бажарилди: йиғин раисларининг саъй-ҳаракатлари билан ҳозирги кунга қадар 280 790 минг дона кўчат аҳоли хонадонларига экилди.

Ободликка барча бирдек ҳисса қўшяпти

2016 ЙИЛДА МАҲАЛЛАЛАРИМИЗНИНГ ЯРМИГА ЯҚИНИ ЎЗ БИНОСИГА ЭГА БЎЛМАГАН БЎЛСА, ҲОЗИРДА ИДОРАСИ ЙЎҚ ЕТТИТА МАҲАЛЛА ҚОЛДИ, ХОЛОС. УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ БОШЛАНГАН, АЙРИМЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЙЁРЛАНГАН, МАБЛАҒЛАР АЖРАТИЛГАН

Хатирчи тумани вилоятнинг қишлоқ хўжалиги ва саноатига ихтисослашган ҳудудларидан бири саналади. Шу билан бирга, хунармандчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликлари, балиқчилик, асаларичилик соҳалари ривожланиб бормоқда. Мавжуд 70 та маҳалламизда 202 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.



Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими аҳолига юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни тушунтириш, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар манфаатларини самарали муҳофаза қилиш йўналишида иш олиб бормоқда. Биз доимо халқ билан бирга, одамлар орасидамиз. Уларни қийнаётган муаммолар ечими устида тинимсиз излашдамиз.

ЯНГИ БИНОЛАР МУБОРАК!

Маҳалла ходимларининг самарали фаолият юритишлари учун, аввал, уларга қулай меҳнат шaroитлари яратиб берилиши лозимлиги ҳеч ким учун сир эмас. Шу маънода ўтган давр мобайнида янги маҳалла биноларини бунёд этиш, уларни замонавий

техникалар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Натижада 2016 йилда маҳаллаларимизнинг ярмига яқини ўз биносига эга бўлмаган бўлса, ҳозирда идораси йўқ етти та маҳалла қолди, холос. Бунда «Хонақа», «Жалойир», «Пахтакор» маҳаллалари биноларининг қурилиши бошланди. «Авоқли», «Кўксарой», «Оқтепа» йиғинларининг қурилиши учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, экспертизадан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, «Янгиработ» ва «Чангир» маҳаллалари биноларининг қурилиши ҳашар йўли билан бошланиб, туман маҳаллий бюджетининг орттирилган қисмидан ҳар бирига 180 млн. сўмдан пул ажратилди ва ҳозирда қурилиш ишлари якунланди. Бинолар шу кунларда фойдаланишга топширилади.

ЙИҒИН БИНОЛАРИ КЎЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНАДИ

Бугунги кунда энергия тақчиллиги масаласи бутун дунёни қийнаётган муаммолардан бири. Энергияни тежаб ишлатиш, қайта тикланувчи манбалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис давлатимиз раҳбари топшириғига асосан, қатор маҳалла бинолари кўёш энергияси билан таъминланмоқда. Режага кўра, биз 5 та маҳаллада кўёш панелларини ўрнатишни мўлжаллагандик. Шу кунларда режа бажарилмоқда.

«ЯШИЛ МАКОН» ЛОЙИҲАСИ – АМАЛДА

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирлар кенг қулоқ ёзди. 2022 йил куз мавсумида кўкаламзорлаштириш,

манзарали ва мевали дарахт кўчатларини экиш ишларини тизимли ва уюшқоқлик билан ташкил этилди. Тумандаги мавжуд 70 маҳалладаги аҳоли хонадонларига 268 900 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган бўлиб, вазифа ортиғи билан бажарилди: йиғин раисларининг саъй-ҳаракатлари билан ҳозирги кунга қадар 280 790 минг дона кўчат аҳоли хонадонларига экилди.

Бунда режани ошиғи билан бажарган, вазифасига масъулият билан ёндашган раислар алоҳида рағбатлантириб борилмоқда. Масалан, «Янгиработ» маҳалласи раиси Зиёдулла Зиёдов, «Хўжақўрғон» маҳалласи раиси Акмал Номозов, «Чангир» маҳалласи раиси Шохрух Мардонов, «Олмасор» маҳалласи раиси Садирдин Мавлонов, «Бахшижар» маҳалласи раиси

Азизбек Раҳмонбердиев, «Майдон» маҳалласи раиси Беҳзод Эшназаров, «Галабек» маҳалласи раиси Равшан Пардаевларнинг бу борадаги ташаббусларини алоҳида санаб ўтиш лозим. Мазкур маҳаллаларда ҳар бир кўчат ўз эгасини топиши, суғориш тизимлари билан таъминлангани каби ҳолатлар юқори даражада амалга оширилди.

Албатта, амалга оширилаётган ишларимиз кўлами кенг. Зеро, маҳалла ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи тармоқ ҳисобланади. Фаолларимиз эса юртимиз фаровонлиги йўлида тинмай меҳнат қилишда давом этаверадилар.

Обиджон БЕКПЎЛАТОВ, Хатирчи тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

БИЛАСИЗМИ?

Чекка маҳаллаларни четлаб ўтиб бўлмайди

Навоий вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ш.Набиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Хатирчи туманидаги чекка маҳаллалар фаолиятини урганди.



Ўрганишлар дастлаб вилоят марказидан 150 км. узоқликда бўлган «Сангжумон» ва «Оқтепа» маҳаллаларида бўлиб, аҳоли билан бевосита суҳбатлашилди. Уларни қийнаётган муаммолар, тўпланиб қолган масалаларни ҳал этиш йўллари аниқланди. Маҳаллада истиқомат қилаётган бир гуруҳ нуронийлар, саёҳатлар уюштириш учун автобус ажратилишини сўраган.

Натижада «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 кишига Бухоро вилоятига саёҳат учун автобус ажратилди. Ўзгалар парваришига муҳтож, I-гуруҳ ногирони бўлган 25 нафар кекса авлод вакилларига дори-дармон воситаларининг 50 фоизи компенсация қилинадиган бўлди. Бундан ташқари, аҳоли мактаб, болалар боғчаси, ички

йўллар, энергия таъминотига оид қатор тақлифларини билдиришди. Аҳолининг талаби тегишли ташкилотлар раҳбарларига етказилиши, мазкур масалалар ечими Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси назоратига олинishi таъкидланди. Худудда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар самарасига ижобий баҳо берилди.

Йўқолган кадастр паспортини қайта тиклаб бўладими?

Йўқолган кадастр паспортини қайта тиклаш учун ариза берувчи ДХМга ўзи келган ҳолда мурожаат этиши ёки ЙИДХПда давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиши керак.

Агар сиз ўзингиз келиб мурожаат этган тақдирингизда, ДХМ ходимлари сизнинг номингиздан, ЙИДХП орқали мурожаат этадилар ва белгиланган шаклдаги сўровномани электрон шаклда мустақил тўлдирдилар.

Учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда, сўровномага белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ҳамда сўровномага кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинади.

Кадастр (йиғмажилди) паспорти йўқолганда (яроқсиз ҳолга келганда), қоғоз ёки пластик шаклда янги кадастр паспорти икки иш куни мобайнида берилади.

РАИС МИНБАРИ

Эртага Аллоҳни олдида зиёратга бориб келиб, шоҳона зиёфат учун эмас, мана шу етим болаларни кўзидан оққан ҳар бир томчи кўз ёши учун жавоб берамиз. Онаси эски бозордан олиб келиб берган эски этикчани янгисини биз олиб бермаганимиз учун жавоб берамиз. Асални маззасини қандайлигини билмагани учун биз жавоб берамиз.

Зиёрат зиёфат базмига айланмаса-да...

«ҲАЖ ВА УМРАГА БОРИБ КЕЛИБ, ЗИЁФАТУ ҲАР ХИЛ СОВҒАЛАР БЕРМОҚЧИ БЎЛГАН МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ЕТИМ-ЕСИРЛАРГА, КАСАЛЛАРГА, ҚИЙНАЛГАН ОИЛАЛАРГА БЕРАЙЛИК. МАҲАЛЛАМИЗ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА КЎМАКЛАШАЙЛИК!»



Ўтган даврда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, соҳага оид 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди, нурунийларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Фахрий мураббий» ордени ва «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони таъсис этилди.

Кейинги пайтларда муқаддас Ҳаж ва умра зиёратини адо этиб қайтган юртдошларимиз орасида ортиқча дабада ва ўзини кўз-кўз қилишга интилиш кучайиб бормоқда. Тўғри, бу ҳар кимнинг шахсий иши. Аммо маҳалла раиси сифатида бунга қаршиман.

Зиёратдан қайтганлар оёқлари тагига узун поёндошлар солиб, қимматбаҳо гуллар совға қилиб, бир-биридан тўқ таниш-билишларга шўрваю ошлар тарқатиб, дуо олгани келганларга ҳар хил тасбеҳу жойнамошлар бериши қанчалик тўғри? Оппоқ қиммат либосларни кийиб, қўйларни сўйиб қийналганга тарқатмай, келган ўзингизга ўхшаган бойларга едириб юбораётган ҳожи акалар бунинг ўрнига маҳаллада бир ҳафтада бир кило гўшт еёлмаётган, томидан чакки ўтиб, онасига «Она нега ҳамма ўртоқларимнинг уйдан ёмғир ўтмайди, бизниқидан ўтади?» деб савол бериб ўтирган, отасиз қол-

ган етим гўдак болаларимизга эҳсон қилсангиз, савоби катта эмасми?

Ойлаб, йиллаб бир жойда михланиб ётиб қолган беморларимиз бор. Ташқаридан қарасангиз, ўзини гўё қийналмаётгандай кўрсатади. Орияти бор, қийналганини бировга айтмайди. Зоҳирида яхши яшаётгандек кўринса-да, кунлик топганини болалари ва ўзининг қорнидан орттиролмайд юрган кўп фарзандли оталар бор. Эри ўтиб кетиб, бири боғчада, бири биринчи синфда ўқиётган фарзандлари билан қолиб кетган бева аёлларимиз бор. Кунда мактабдан келиб онасига «Она синфдошим уни кийибди, буни кийибди, менга қачон олиб берасиз» деб кунига 30 минг сўмга кунлик ишлайдиган онанинг бағрини тилиб ўтирган болалар бор. Боласига бугун сенга бозордан янги этик олиб келаман, деб эски бозорга бориб, сал янгироқ этикчани артиб, тозалаб, мактабдан келган боласига мана янги этикча болам, деса қувончи ичига сиғмай,

ўртоқларига онам бозордан янги этик олиб келиб берди, деб аслида бировлардан қолган оёқ кийимни кийиб юрган гўдакларимиз бор.

Эртага Аллоҳни олдида зиёратга бориб келиб, шоҳона зиёфат учун эмас, мана шу етим болаларни кўзидан оққан ҳар бир томчи кўз ёши учун жавоб берамиз. Онаси эски бозордан олиб келиб берган эски этикчани янгисини биз олиб бермаганимиз учун жавоб берамиз. Асални маззасини қандайлигини билмагани учун биз жавоб берамиз. Уйимизда ўзимиз ёнғоқ-майиз еб, етим болаларга бермаганимиз учун жавоб берамиз.

Шу ўринда раис сифатида бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Ҳаж ва умрага бориб келиб, зиёфату ҳар хил совғалар бермоқчи бўлган акалар-опалар маблағларингизни етим-есирларга, касалларга, қийналган оилаларга берайлик. Маҳаллаимиз муаммоларини ҳал этишга кўмаклашайлик! Зора, шу амалимиз Аллоҳга маъқул келиб қолса.

Улуғбек ЭРҒАШЕВ,
Фурқат туманидаги «Ингичка»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси,
халқ депутатлари туман
Кенгаши депутати.

НУҚТАМ НАЗАР

Тўйларни дабдабали ўтказмаслик тўғрисида Қонун қабул қилиш вақти етди

Ижтимоий тармоқларда Қашқадарёда 5000 кишилиқ тўй бўлгани, 30 та катта қозонда ош дамланиб, ўнлаб санъаткорлар хизмат қилгани ҳақида видео тарқалди.

Тўй, маъракалардаги исрофгарчиликларнинг олдини олиш, кимўзарчиликка барҳам бериш, бундай тадбирларни ортиқча харажатларсиз, ихчам ўтказиш масаласи, ҳатто давлат сиёсати даражасига кўтарилганига қарамай, бундай дабдабазлик борган сари кучаймоқда. Қабул қилинган қарорлар кимлар учундир «бир тийин» бўляпти.

Демак, бундай маросимларни ўтказиш бўйича алоҳида ҚОНУН қабул қилиш, ижросини қатъий таъминлаш, итоат этмайдиганларни жиноий жавобгарликка тортиш вақти келди. Қонун ижросини таъминламаганлар ҳам жазоланиши керак. Акс ҳолда бундай дабдабазликлар одамларнинг белини синдиришда давом этади.

Ўз вақтида Бухоро амири Олимхон 1911 йилнинг мартида «Жуда исрофли тўйларни тугатиш тўғрисида» фармон чиқарган экан. Унга кўра, тўйларда бир неча хил овқат қилиш тақиқланиб, паловдан бошқа овқат берганларга 75 дарра уриш жазоси тайинланган. Суннат ва никоҳ тўйларида ташкил қилинадиган улоқ чопиш ва пойга тадбирлари бекор қилинган. Ушбу тадбирни ташкил этган шахс ўлим жазосига маҳкум этилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, тўйга келган меҳмонларнинг ҳар бирига чопон бериш, қанд бериш расми маън қилинган.

«Шўройи ислом» ташкилоти раиси муовини Мунавварқори раҳбарлигида 1917 йилда айнан тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимлар, оилавий тадбирларни ортиқча сарф-харажатсиз ўтказиш юзасидан қарорномаси ҳам қабул қилинган экан.

Жаҳонгир ЗИЯЕВ.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



Қулай шароит билан самарадорлик ортади

Айни кунларда Самарқанд вилоятида қатор янги маҳалла биноларининг очилиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Самарқанд тумани «Оҳалик» маҳалласида бугунги кунда салкам 4 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. 764 та хонадон бор. Аммо анча йиллардан буён маҳалланинг айтарли идораси бўлмаган. Янги бино қисқа фурсатларда ҳомийлар ва маҳаллий мутасаддилар кўмагида 300 миллион сўм эвазига қуриб битказилди. Янги бинода раис,

ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси учун алоҳида хоналар бор.

— Биз ёшларга янги бинода ўқув хоналарининг ташкил қилингани айни муддао бўлди, — дейди маҳалла ёшлари етакчиси Файзулло Шукруллоев. — Бу ерда чет тили курслари ташкил қилиш учун шароит яратилган. Бундан ташқари,

компьютер саводхонлиги бўйича қўшимча тўғрақлар ташкил қиламиз.

Ўтган уч-тўрт кун давомида Оқдарё туманида «Қумушкент», Иштихонда «Мирзоқул» ва «Деҳқонобод», Самарқанд туманида «Ўрта Оҳалик», Самарқанд шаҳрида «Хўжасоат» маҳаллаларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

КУН МАВЗУСИ

Ёшларнинг маданият, санъат, спорт, китобхонлик, АКТ йўналишлари бўйича иқтидорларини кашф этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда илк мартаба беш босқичда маҳалла-сектор-туман-ҳудуд-республика даражасида «Беш ташаббус олимпиадаси»нинг биринчи мавсуми ўтказилди.

Ногирон ҳам одам, айниқса, маҳалла раиси учун...

ХОҲ МАҲАЛЛА РАИСИ БЎЛСИН, ХОҲ КЎЧАДАГИ ОДДИЙ ОДАМ, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ОДАМНИ ТЕПИБ ТАҲҚИРЛАШГА ҲАҚҚИ ЙЎҚ, БУНДАЙ МУОМАЛА ИНСОНИЙЛИК ЖИҲАТИДАН АҚЛГА СИҒМАЙДИ



Маҳалла раислигига кўпни кўрган, ўзидан кўра бошқаларни кўпроқ ўйлайдиган инсонлар сайланади. Улар маҳаллада бўладиган йиғин дейсизми, туй-маърака дейсизми, ҳаммасига бош-қош бўлиб, йиғинда истикомат қиладиган барчага ўзининг қилаётган ишлари, гаплари билан ибрат бўлиши лозим. Маҳаллада кимнинг қандай муаммоси бўлса, унга ёрдам қўлини чўзиб, ҳолидан хабар олиб, ёнида туриши керак. Ахир «Маҳалланг тинч бўлса, сен ҳам тинч бўласан», деб бекорга айтишмаган.

Бироқ куни кеча ижтимоий тармоқларда Яққасарой туманидаги «Армуғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Қодиров ногиронлиги бўлган шахсни тегиб ҳайдагани ҳақидаги видеолавҳа тарқалди ва анча муҳокамаларга сабаб бўлди. Мазкур ҳолат атрофлича ўрганилиб, А.Қодиров лавозимига номуносиб хатти-ҳаракатларни амалга оширгани учун 2022 йил 28 ноябрдан маҳалла раиси лавозимидан озод қилинди. Шу билан бирга, унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддаси («Майда безорилик») билан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, Яққасарой тумани суди қарори билан БҲМнинг 3 баравари (900 минг сўм) миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Ногиронлиги бўлган одамга ёрдам бериш ўрнига тегиб ҳайдагани кишини ўйга солса, шу ишни маҳалла раиси қилгани дилни янада хира қилади. Маҳалла раислари ҳудудидаги тартибсизликларнинг олдини олиб, ёман йўлга кирганларни тўғри йўлга солиш, кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам бериши керак эмасми аслида? Маҳалла раиси ногиронлиги бўлган шахсга ёрдам бериш ўрнига уни тегиб ҳайдаши қай даражада ақлга сиғади? Оқсоқол шундай қилиб тургандан сўнг қолганлардан нимани кутиш мумкин? Яна бир қатлам жамоатчилик вакиллари фикрига кўра, видеодаги ҳолат юзасидан журналистик суриштирув ўтказиш лозим. Зеро, бу вазият уюштирилган бўлиши, маҳал-

ла раиси устидан «шантаж» қилинган бўлиши мумкин. Биз тасвирларда кўраётган ногиронлиги бор киши ростдан ҳам ногиронми!? Балки ўзини шундай кўрсатаётган бўлиши мумкин. Бундай дейишимизга сабаб — жамиятимизда ўзини ногирон, қийналгандай кўрсатадиган боқимандалар жуда кўп учрайди. Тўғри, видео тасвирдаги одам ўзини ногирон қилиб кўрсатиб, кун кўраётган бўлиши мумкин. Аммо маҳалла раиси нафақат ўз маҳалласидаги, балки бутунлай бегона ёрдамга муҳтож инсонга қўлидан келганча кўмаклашиши керак эмасми? Ҳўп, раисга нисбатан «шантаж» уюштирилган ҳам дейлик. Лекин у хоҳ маҳалла раиси бўлсин, хоҳ кўчадаги оддий одам, ногиронлиги бўлган

одамга (агар фаросати жойида бўлса) инсонийлик жиҳатидан бундай муомалада бўлиши ақлга сиғмайди. Қайси томондан олиб қараса ҳам бу иш инсонийликка мутлақо тўғри келмайди. Энди буларни кўрган ёшлар маҳалла раиси шундан қилди-ку, дея унинг қилганини такрорламаслигига ким кафолат беради? Ахир «Қуш уясида кўрганини қилади», деган нақл бор. Энди маҳалла раисларини сайлаётганда уларни ҳар томонлама синовдан ўтказиб сайлаш мақсадга мувофиқдир. Балки ҳар ойда ўз малакаларини ошириш учун алоҳида ўқув курсларини ташкил қилиш керакдир.

Мансурбек ЖАББОРОВ, УзЖОКУ талабаси.

РАИС ЁН ДАТАРИГА!

Моддий ёрдам нафақаси кимларга берилади?

Ҳукумат қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, моддий ёрдам бола(болалар)сиз ёки барча болалари 18 ёшдан катта бўлган оилаларга ва яққа-ёлғиз фуқароларга 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади.

Моддий ёрдам олишнинг асосий шартини нима?

Моддий ёрдам нафақаси оиланинг ойлик жами даромади киши бошига 498 минг сўмдан ошмайдиган оилаларга берилади.

Муддат тугаганидан кейин қайтиб берилмайдими?

Муддат тугаганидан кейин яна олмоқчи бўлсангиз қайта ҳужжат тайёрлашингиз керак.

Моддий ёрдам миқдори қанча?
Ҳозирги кундаги моддий ёрдамнинг аниқ миқдори бир ойга 380 000 сўм.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Чинободликлар биринчиликни қўлдан беришмади

Навоий шаҳридаги Олимпия захиралари мактабида стол тенниси бўйича «Маҳалла кубоги» мусобақасининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Стол тенниси федерацияси ҳудудий бўлими, вилоят халқ таълими, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувда 13-16 ёшдаги ўғил-қизлар ўзаро куч синашди.

Мусобақанинг дастлабки саралаш босқичлари октябрь ва ноябр ойларида маҳалла ва туманларда ўтказилди. Вилоят босқичида туман, шаҳар босқичларида фахрли биринчи ўринни эгаллаган 11 та жамоа ўзаро куч синашди. Жорий



йилда мусобақа жамоалари таркибига ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки ички ишлар идоралари ҳисобида турган ва «Ёшлар дафтари»даги ўсмирларни, кам таъминланган ва «Темир дафтари»даги оила фарзанд-

ларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Қизгин баҳсларга бой бўлган беллашувнинг вилоят босқичида фахрли биринчи ўринни Хатирчи туманидаги «Чинобод» маҳалласи вакиллари Шербек Нуриддинов ва Юлдуз

Садриддинова қўлга киритиб, мусобақанинг мамлакат босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўринни Учқудуқ туманидаги «Ифтихор» маҳалласи, учинчи ўринни Нурота туманидаги «Нурфахр» маҳалласи жамоалари эгаллади.

Ҳ олиб жамоалар мусобақа ташкилотчиларининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Маълумот ўрнида: «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан илк мартаба ташкил этилаётган ушбу мусобақанинг республика финал босқичи жорий йилнинг декабрь ойида ўтиши режалаштирилган.

Жонибек ҚОДИРОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бош мутахассиси.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, уларнинг сўровномаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, тасдиқлангандан сўнг, барча ҳужжатлар 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

Санаторийга йўлланма кимларга ва қандай тартибда берилади?

2022 йил 1 октябрдан бошлаб, аҳолига санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш тартиби ўзгарди. Энди кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар санаторийларда даволаниш йўлланмасини олиш учун давлат хизматлари марказлари ёки ягона интерактив давлат хизматлари порталига (ЯИДХП) мурожаат қилишлари лозим

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги «Аҳолига санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш соҳасига ахборот-технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори билан «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти» тасдиқланган эди.



Янги тартибга кўра, жорий йил 1 октябрдан бошлаб, фуқаролар йўлланма олиш учун Давлат хизматлари марказларига келиб мурожаат этиши ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтиши мумкин. Бунда йўлланмалар Тиббий-ижтимоий агентлиги тизимидаги кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларга берилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

бугунги кунда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимида 11 та санаторий мавжуд бўлиб, уларнинг бир йиллик соғломлаштириш қуввати 45 минг нафар фуқарони ташкил қилади. 2024 йилга қадар яна ҳар бири 100 ўринга мўлжалланган 4 та санаторий қуриш кўзда тутилган. Ҳозирда навбатга олинган фуқаролар учун «Тахиятош», «Бухоро», «Маржонсуви», «Жиззах», «Қарши», «Косонсой», «Марварид», «Товоқсой», «Олтиариқ», «Урганч», «Нуроний» санаторийлари хизмат кўрсатади.

КИМЛАРГА ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛАДИ?

Маъмурий регламентга асосан, йўлланмалар куйидаги тоифадаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга берилади:

- ✓ уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар;
 - ✓ ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг янги никоҳдан ўтмаган бева хотинлари (бева эрлари);
 - ✓ республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахслар;
 - ✓ Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек, Чернобиль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахслар;
 - ✓ ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар;
 - ✓ I ва II-гурӯх ногиронлиги бўлган шахслар, кўзи ожиз I-гурӯх ногиронлиги кузатиб боровчи шахс;
 - ✓ ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар;
 - ✓ ёшга доир пенсия олувчилар.
- Йўлланмаларни бериш даврийлиги тоифаларга қараб ҳар йили, икки йилда бир марта ва уч йилда бир мартани ташкил этади.

ЙЎЛЛАНМА ҚАНДАЙ ОЛИНАДИ?

Юқорида айтилганидек, йўлланма олиш учун Давлат хизматлари марказларига бориш ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтиш керак бўлади. Бунда мурожаатга асосан, электрон сўровнома тўлдирилади. Сўровномага имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (пенсия гувоҳномаси) ва тиббий маълумотнома илова қилинади. **Бошқа ҳужжатларни талаб қилиш таъқиқланади.**

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, уларнинг сўровномаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, тасдиқлангандан сўнг, барча ҳужжатлар 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилингандан эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга келиб тушади. **Давлат хизмати кўрсатилгани учун йўлланма берилмайди.**

Санаторийларга йўлланмалар биринчи навбатда уруш ногиронлиги ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларга берилади. Йўлланмалар 12 кунга, амал қилиш муддати бошланишидан 10 кун олдин берилади. Бунда йўлланма фуқаронинг электрон почтасига юборилиши, электрон

ёки қоғоз шаклда тақдим этилиши мумкин.

Йўлланмалар фақат уларда кўрсатилган муддатларда ҳақиқий ҳисобланади. Кўрсатилган муддатдан олдин санаторийга қабул қилинмайди, санаторийга кечикиб келинган кунлар тикланмайди. Йўлланмадан фақат унда кўрсатилган шахсгагина фойдаланиши мумкин. Санаторийга битта йўлланма билан биттадан ортиқ киши (шу жумладан, ёш болалар ҳам) қабул қилинмайди. Санаторийга ташриф буюрган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ўзи билан бирга йўлланмадан ташқари шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан йўлланмага асосан берилган санаторий-курорт картасини олиб келиши лозим.

ЙЎЛЛАНМА «КУЙИБ» КЕТИШИ МУМКИНМИ?

Регламентга кўра, йўлланмада кўрсатилган муддатдан ўтгандан

сўнг 5 кун ичида санаторийларга мурожаат қилинмаганда, берилган йўлланма бекор қилинади. Шу билан бирга, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар саломатлигининг ҳолати ёки бошқа асосли сабабларга кўра йўлланмадан белгиланган муддатда фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, санаторийга келиш муддатидан камида уч кундан кеч бўлмаган муддатда бу ҳақда Давлат хизматлари марказига хабар бериши ва йўлланмани қайтариши лозим.

Йўлланма олиш навбати келган фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига вақтинча чиқиб кетган бўлса, шунингдек, асосли сабабларга кўра йўлланмадан фойдаланмаган тақдирда, фуқароларнинг навбат муддати кейинги ойга кўчирилади. Бундай ҳолатда фуқаро олдинги ариза рақами асосида қайта мурожаат қилганда йўлланма биринчи навбатда берилади.

Хуллас, бюрократия, ҳужжатбозлик, энг муҳими, узундан-уzun навбатлар билан боғлиқ яна бир тартиб соддалаштирилди. Бу орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари эндиликда уйларида чиқмаган ҳолда, электрон шаклда навбатга ёзилиши мумкин. Уз ўрнида улар навбати қачон келишини кузатиб бориш имкониятига ҳам эга.

Санжар ИСМАТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ёшу кекса бир даврада жам бўлди

Ромитан туманидаги «Тўй — барака» тантаналар саройида «Уч авлод учрашуви» ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 60 нафар фарзандининг суннат тўйи ташкил қилинди.

Айтиш керакки, тадбир доирасида арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари, худди шундай, кўмир ва суюлтирилган газ баллонлари, қолаверса, бўш иш ўринлари кўргазмалари ташкил этилгани, аҳоли учун бепул тиббий кўриклар уюштирилгани, кўчма дорихона, мобил поликлиника хизматлари йўлга қўйилгани айни муддао бўлди.

Қолаверса, шу куни «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, ишлаб даромад топишлари учун

уларнинг 21 нафарига замонавий тикув машинаси берилди. Тиббий кўрикда касаллик аломатлари аниқланган фуқаролар соғлиқини тиклаши учун сертификатлар ҳамда моддий ёрдам пуллари тақдим қилинди.

Тадбирда сўз олган нуроний отахону онахонлар юрт равнақи, фарзандлар таълим-тарбияси ҳусусида фикр-мулоҳаза билдириб, суннат тўйи нишонланаётган болажонларнинг келажакда юртимиз корига камарбаста инсон бўлиб воға етишларига ишонч билдир-

дилар. Суннат тўйи эгаларига зар тўнлар кийдирилиб, велосипедлар ва бошқа қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тантана файзли ва тўкин дастурхон атрофида, бир пиёла чой устада давом этди. Даврага миллий таом — ош тортилиб, йиғилганлар ва болажонлар шарафига туман маданият бўлими бадий ҳаваскорлари жамоаси, шунингдек, вилоят кўғирчоқ театри жамоаси ўз дастури ва саҳна кўринишлари, куй-кўшиқ ва рақслари билан барчани хушнуд қилдилар.



ҲОЛАТ

ЙПХ ходимининг кучи «Matiz» минган киракашдан бошқасига етмайдиган бўлса, «Malibu» минган каттаконни қоидабузарлиги учун билмасдан тўхтатиб қўйган ЙПХ ходимига унинг бошлиғи: «Оқ йўл тилаб, қўйиб юбор», деб топшириқ бериб турса, албатта, йўлларимизда болалар ҳалокатга учрайверади.

Аянчли йўл-транспорт ҳодисалари: яна қанча болалар ҳалок бўлиши керак?

ДЕЯРЛИ ҲАР КУНИ БИР НАФАР МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ ЭРТАЛАБ ЧИҚҚАН ОСТОНАСИГА ҚАЙТИБ КЕЛОЛМАЯПТИ... АЯНЧЛИ, ШУ БИЛАН БИРГА, ҚЎРҚИНЧЛИ СТАТИСТИКА... ШУНДАЙ ЭМАСМИ? ҚАЧОН КЎЗИМИЗ ОЧИЛАДИ?

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси йиғилишида маълум қилинишича, Ўзбекистонда 2022 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида 7 636 та йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) қайд этилиб, улар оқибатида 7 174 киши жароҳатланган, 1 931 киши ҳалок бўлган. Ҳалок бўлганларнинг 226 нафари болалардир. Бу ҳолат барчамизда бирдек ташвиш уйғотади, албатта. Зеро, гап 200 нафардан зиёд боланинг ўлими ҳақида кетяпти, аслида, бир нафар боланинг ҳам тинч замонда бу тарзда ҳалок бўлиши фожиадир.



Қайд этилишича, туман(шаҳар)лар кесимида «Хавфсиз йўл» индексини юритиш амалиёти йўлга қўйилгани, «Умр тезликдан муҳимдир» ва «Хавфсизлик камари — ҳаёт гарови» шiori остида комплекс тарғибот ишлари ташкил этилганига қарамай, ўлимга олиб келган ЙТХлар сони камаймаяпти. Шу билан бирга, мактаб ўқувчиларига йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш ишлари талаб даражасида эмас. Ваҳоланки, Президентнинг «Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди ўқув базасини яратиш вазифаси аниқ белгилаб қўйилган бўлса-да, ҳамон сусткашликка йўл қўйилмоқда.

— Дарҳақиқат, давлат раҳбари томонидан имзоланган қарорнинг бир қанча бандини бажаришда камчиликлар кузатилмоқда, — дейди Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси Кутбиддин Бурҳонов. — Жумладан, қарорда Ички ишлар вазирлиги зиммасига боғча тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчиларида йўл ҳаракати қоидаларини бўйича бошланғич билимларни шакллантиришга қаратилган моддий-техник ва ўқув базасини яратиш вазифаси юклатилган. Таҳлиллар шуни

кўрсатдики, жорий йилнинг 9 ойи давомида ўн мингдан ортиқ мавжуд мактабларнинг бор-йўғи 588 таси ёки қарийб 6 фоизига ҳаракат хавфсизлиги синфхоналари ташкил этилган, холос. Қолаверса, ИИБ маълумотида қоидаларни болалиқдан сингдириш мақсадида ўқув дарсликлари тайёрланаётгани маълум қилинган. Аммо бу дарсликлар қачон амалга татиб қўйилиши тўғрисида аниқ маълумот берилмаган.

Авалроқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистонда ЙТХлар 18 ёшгача бўлган ўғил болалар ўлимининг биринчи рақамли сабаби экани, мамлакатда ЙТХлар оқибатида 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси Европа мамлакатларига қараганда тўрт баравар юқори эканини маълум қилган эди. ЙТХлар ОИВ/ОИТС, сил ва ошқозон-ичак касалликларини бирлаштиргандан кўра кўпроқ ўлимга олиб келмоқда.

БИР ХИЛ СТАТИСТИКА, ҲЕЧ НИМА ЎЗГАРМАГАН...

Статистикага кўра, ҳар куни дунё бўйича 1,8 млрд. бола мактабга боради. Ачинарлиси, уларнинг ўртача 500 нафари йўлларда автоҳалокат оқибатида уйга қайтиб келмайди. Юқоридаги рақамлардан келиб чиқилса, бизда деярли ҳар куни бир нафар

мактаб ўқувчиси эрталаб чиққан остонасига қайтиб келолмаяпти... Аянчли, шу билан бирга, қўрқинчли статистика... Шундай эмасми? Қачон кўзимиз очилади?

Сенат йиғилишида келтирилган статистик маълумотлар ҳар чоракда эълон қилиб борилади. Ҳар гал болалар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар қалбимизни ларзага солади. Бунга олиб келатган омилларни қаторлаштириб санаймиз, адоғига етиб бўлмайди: йўллар, улардаги белгилар талабга жавоб бермайди, билимсиз ва масъулиятсиз ҳайдовчилар кўпайиб кетган, уйда ота-оналар ўрнатилган мактаб ўқувчиси ўз ҳолига ташлаб қўйган, жамият тартиблари бузилган, ҳеч ким масъулиятни ўз бўйнига олишни истамайди ва ҳоказо. Болалар эса йўлларда ўлишда давом этмоқда...

Хўш, қачон амалий ишга ўтасми? Ҳатто Президент қарорлари асосида тегишли тартиблар, йўл-ўриқлар белгиланган ва керакли маблағлар ажратилаётган бўлса-да, нега вазият ижобий томонга ўзгармаяпти? Бугун шундай ҳолат юзага келдики, тинчлик замони бўлса-да, юрак ҳовучлаб кўчага чиқасиз. Энг ёмони, уруш давом этаётган давлатларда ҳалок бўлаётганларга ачинамизу, бироқ шундоққина ён-атрофимизда урушдагидан-да кўпроқ болалар

ўлаётганига бепарвомиз.

Аслида, болалар иштирокидаги ЙТХларни камайтириш бажариб бўлмас вазифа эмас. Бунда биринчи қадам, энг аввало, мавжуд камчиликларни тан олиш ва уларни бартараф этиш, мактаблар яқинидаги йўллар ҳолатини яхшилаш, болаларга йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича сифатли таълим бериш, буни мактабда юзаки факультатив эмас, фан сифатида 1-синфдан ўргатиш, халқаро тажриба асосида «мактаб зонаси»ни белгилаш, мактабларни, биринчи навбатда, чекка ҳудудларда жойлашган муассасаларни мактаб автобуслари билан таъминлашдан бошлаш керак. Бу камчиликлар бартараф этилса, муаммолар ўз-ўзидан ечим топади.

Яна бир жиҳат: кўчаларимиз бўйлаб катта тезликда ва бетартиб ҳаракатланаётган ҳамда бу

«қаҳрамонлиги»ни мақтаниш, кўз-кўз қилиш учун ўз қўли билан ижтимоий тармоқларга жойлаштираётганларнинг видеолари кунда-кунора тарқалаяпти. «Азарт»га берилган бу одамларни ҳеч нарса тўхтата олмаяпти — на жамоатчилик назорати, на жарималар. Нега шундай? Жавоб тайин: қоидабузарлик учун, қилмиш учун жазо муқаррар эмас. Ашаддий қоидабузар ҳайдовчи таниш-билишлари орқали нисбатан ёки мутлақо осон қутилиб кетишини билса, ЙПХ ходимининг кучи «Matiz» минган киракашдан бошқасига етмайдиган бўлса, «Malibu» минган каттаконни қоидабузарлиги учун билмасдан тўхтатиб қўйган ЙПХ ходимига унинг бошлиғи: «Оқ йўл тилаб, қўйиб юбор», деб топшириқ бериб турса, албатта, йўлларимизда болалар ҳалокатга учрайверади.

Албатта, ЙТХлар ҳақида кўп гапиряпмиз. Аслида, масаланинг оқилона ечими топилгунча, вазият ижобий томонга ўзгармагунча ҳар қанча гапирсак арзийди. Қачонки, ҳамма — раҳбарлар, ҳайдовчи, пиёда масъулиятни тўла ҳис қилса, қоррлар ижроси ўз вақтида амалга оширилса, жарималар оғир ва таъсирчан бўлса, энг муҳими, рулга ўтирган одам уйда оиласи кутаётганини англаб етса, муаммолар камайди. Йўқса, ўтаётган кунимиз тинч бўлса-да, кўнгли хотиржамлигига эришиб бўлмаяпти...

Санжар ИСМАТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Оғир ҳудуд» аҳволи яхшиланаяпти

Нукус шаҳрининг чекка ҳудудидаги «Жана базар» маҳалла фуқаролар йиғини «оғир ҳудудлар» тоифасига киритилган бўлиб, жорий йилда маҳаллада кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.



Ҳудуд аҳолиси ичимлик сув, табиий газ ва электр энергияси билан таъминланди. Кўчаларга қум аралаш шағал ва асфальт тўшалди. Бир қанча дам олиш масканлари, хиёбонлар, спорт ва болалар майдончалари, савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш нуқталари янгидан бунёд этилди. Маҳалладаги ҳар битта хонадон эгалари уйлариининг кадастр ҳужжатларига эга бўлди.

Кун кеча маҳаллада яна

бир объект — 60-мактабгача таълим ташкилоти қуриб битказилди. 120 ўринга мўлжалланган бинонинг қурилиш ишларига давлат инвестиция дастури асосида 4 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланди. Муассасада болажонларнинг сифатли таълим-тарбия олиши учун барча шароит муҳайё. Гуруҳ хоналари янги жиҳозлар, турли ўйинчоқлар ва ўқув қуроллари билан таъминланган.

Қолаверса, мазкур маҳал-

лада бўш иш ўринлари кўргаз-маси ташкил этилди. Тадбир якунига кўра, маҳалла фуқаролар йиғинидаги ишсиз 36 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Уларнинг 28 нафари тикувчилик сирларини малакали тарзда ўрганиши учун «Тадбиркорлик маркази» ўқув курсларига жалб этилди. Шунингдек, йиғиндаги 1-2 синф мактаб ўқувчиларига чет тилларни (рус ва инглиз тилидан) ўргатиш бўйича ўқув курси ташкил этилди.

ЁДНОМА

Мурожаатга кўра, фуқароларга ногиронлик аравачаси олишда кўмаклашиш, электр печлари, тикув машинаси, янгидан фаолиятини бошлаётган тадбиркор учун сартарошлик жиҳозлари, уй-жойини кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш йўналишидаги 10 та мурожаат жойида ҳал этилди.

Оддий одамлар мурожаатига оддий қараб бўлмайди

Худудларда ташкил этилаётган сайёр қабуллар аҳолини қийнаб келадиган долзарб масалаларни маҳаллалар кесимида ўрганиш ва уларни жойида ҳал этишга кенг имконият яратмоқда.

Жиззах шаҳри «Амир Темури» маҳалласида навбатдаги сайёр қабул бўлиб ўтди. Бу маҳалла Жиззах шаҳрига Самарқанддан кириб келишда жойлашган. Айни вақтда 8 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Жорий йил май ойида мазкур маҳалла «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурига тушган. Ҳозиргача бюджет маблағлари ҳисобидан 13,5 млрд. сўм маблағ ажратилиб, поликлиника биносини янгидан қуриш, электр ва ичимлик сув тармоқларини тортиш, йўлларни таъмирлаш каби ишларга сарфланди. Қабулда 20 нафардан ортиқ фуқаронинг турли йўналишлардаги ижтимоий-иқтисодий мурожаатлари бирма-бир кўриб чиқилди. Мурожаатга кўра, фуқароларга ногиронлик аравачаси олишда кўмаклашиш, электр печлари, тикув

машинаси, янгидан фаолиятини бошлаётган тадбиркор учун сартарошлик жиҳозлари, уй-жойини кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш йўналишидаги 10 та мурожаат жойида ҳал этилди. Сайёр қабул давомида худудда истиқомат қилувчи фуқароларни электр тармоғи учун бетон таянч устунлари ўрнатиш ва электр тармоғига улаш, йўлнинг қатнов қисми гавжум бўлган жойларга светофор ўрнатиш, саломатлигини тиклаш ва жарроҳлик амалиёти учун ордер олиш, янги қурилган уйга иситиш тизими ўрнатиш каби мурожаатлар соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда чуқур ўрганилди, ечимни муайян муддат талаб қиладиган аризалар ижроси қатъий назоратга олинди.

Мухбиримиз.



БИЛАСИЗМИ?

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Аттракционларда огоҳлантириш воситалари бўлиши керак



Ҳукумат қарори билан Аттракционлар хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент тасдиқланди. Регламентга кўра, аттракцион бошқариш тизимлари огоҳлантириш сигнализацияси ва хавфли вазиятлар вужудга келишига олиб келадиган аттракцион ишлашидаги носозликлар ҳақида огоҳлантириш учун бошқа воситаларни ўз ичига олади.

Аттракционларнинг ҳаракатланувчи қисмлари улар шикаст етказиши мумкин бўлган зоналарга одамлар киришининг олдини олувчи тўсиқлар билан жиҳозланган бўлиши зарур. Барча тўсиқлар шундай маҳкамланган бўлиши керакки, улар фақат асбоблар ёрдамида очиладиган бўлиши шарт. Тўсиқларнинг эшикларни қулфланувчи мослама билан жиҳозланиши керак. Занжир, арқон ёки камарнинг йиғиш бирлиги ҳисобланмайдиган ҳар бир қисми тамғаланган бўлиши, агар бунинг иложи бўлмаса, ишлаб чиқарувчи номи ва унинг жойлашган жойи кўрсатилган тахтача ёки ечилмайдиган ҳалқага эга бўлиши керак.

Аттракционга кириш жойи олдида соғлиғи, ёши, бўйи ва вазни бўйича аттракциондан фойдаланишга оид чекловлар тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиши лозим. Ҳар бир фойдаланилаётган аттракционга кириш жойи олдида сўнгги йиллик текширув ўтказилган сана ва кейинги йиллик текширувни ўтказиш санаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ахборот тахтачаси жойлаштирилиши керак.

Хотира чироғи ўчмайди



Ҳаёт ҳар бир инсон учун бир марта берилади. Бу синов даври ҳисобланади. Уни ҳар ким ҳар хил яшаб ўтади. Кимдир 50 йил, яна кимдир 70 йил, бошқа бирор 100 йил ва ундан ҳам кўпроқ яшashi мумкин. Лекин инсон ҳаёти беагани унинг амалда бажарган хайрли ишлари, имон-эътиқоди, юртига, халқига бўлган садоқати белгилаб беради. Узоқ йиллар Денов шаҳридаги Қўзи Каримов номи маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилган Холбой ҳожи Поёновни бугун одамлар яхши хотиралар билан эслашади...

Х.Поёнов 1928 йилда Бойсун туманининг Дўғоба қишлоғида туғилган. Урта мактабни тугаллаб, меҳнат фаолиятини хўжаликда ҳисобчиликдан бошлаган. Ўз меҳнат фаолияти давомида меҳнатсеварлиги, масъулияти, ойлик режаларни ошиги билан бажариши, ғайрат-шижоати билан ажралиб турди.

Шу боисданми, узоқ йиллик фаолияти давомида бир нечта савдо ташкилотларига раҳбарлик қилди. Қайси корхона ҳолати ёмонлашаётгани сезилса, режалар бажарилмаса, раҳбарият у кишини ишонч билан раҳбарлик лавозимларига тайинлашар эди. Албатта, бу ишонч оқланарди. Янги корхонага борган кунидек норози ходимлар ва муаммоларни чуқур ўрганиб, муроасага келтириб, масалани улар иштирокида кескин ҳал қилар эди. 1988 йилда раҳбарият ва бутун жамоа у кишини ҳурмат билан нафақага кузатди.

Х.Поёнов «Лаззат» номи корхона ташкил этиб, новвойлар, қандолатчилар, ҳолвапазлар, сомсапазлар ва турли миллий пишириқлар пишираётган хунарманд усталарни жалб қилиб, аъзоликка қабул қиладди.

Ёшларни тўғри йўлга жалб қиладиган инсон эдилар. У киши ҳеч қачон ўзларини катта тутмаган, жуда камтарин, меҳрибон ва самимий инсон бўлган. Ҳар бир инсонга ёшига қараб муомала қилар, ишхонада, тўй-ҳашамларда ёшлик даврларини эслаб, уруш йилларидаги очарчилик, нон тақчиллиги ва ўлат касалликларидан ўтиб кетган инсонлар ҳаётини ибрат тариқасида сўзлаб берарди. Инсон ўз ҳаётидан нолимаслиги, ношукур бўлмаслиги, ёшликни беҳуда ўтказмай, илм, хунар ўрганиш зарурлигини бот-

бот таъкидларди. У киши ўтирган даврада файз бўларди. Фойдасиз гапни гапирмасди.

Холбой ҳожи Поёнов ажойиб раҳбар, меҳрибон устоз эдилар. У киши ҳаёти давомида жуда кўп инсонларнинг ишли, турли хунарларни ўрганишига сабабчи бўлган. Аёли билан 8 нафар фарзандни вояга етказди. Бугун у кишининг ордидан фарзандлари, 70 нафарга яқин нева-чеваралари қолди. Ҳозирги кунда улар турли соҳада меҳнат қилиб, халқимиз дуосини олмоқда.

Х.Поёнов нафақага чиққач, то умрининг охиригача Денов шаҳридаги Қўзи Каримов номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида фаолият юритди. Мустақиллигимизни мустақамлашда камарбаста бўлган маҳалла раисларидан бири эди. Айтиш керакки, мазкур маҳалла шаҳардаги энг катта йиғин эди ва доимо олдинги сафда юрарди. Шунга қарамай, маҳалланинг кам таъминланган, ногиронлиги бор, эҳтиёжманд хонадонлари, бирор-бир оила эътибордан четда қолмасди. Ҳомийлар, оқсоқоллар кенгаши билан ҳамкорликда ҳар қандай муаммога ечим топар эди. Тўй-ҳашамларда, маҳалла масжидининг қурилиши, ободонлаштириш ва барча байрамлар, шодиёналарда бош-қош бўлиб, ёшу қарининг дуосини олган. Айниқса, Мустақиллигимизнинг илк кунларида аҳолини рўйхатга олишда шижоат кўрсатган.

Х.Поёновнинг ёрқин хотираси маҳалладошлари, дўстлари, яқинлари қалбида абадий яшайди.

Ашир РАҲМОНОВ,
Тошкент тумани.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Кимларга қўшимча таътил берилади?

Янги Меҳнат кодексининг 401-моддасига кўра, 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боланинг ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) ҳар йили давомийлиги камида 4 календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган таътил йиллик меҳнат таътилига қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ушбу таътидан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб), лекин фақат

тегишли иш йили давомида фойдаланилиши мумкин. Ушбу таътилнинг кейинги иш йилига кўчиришга ёки уни пулли компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Агар боланинг онаси ишламаса

ҳамда боланинг парвариши ва тарбияси билан машғул бўлса ёхуд ишласа ҳамда ушбу кафолатлардан фойдаланса, отага ёки оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бошқа шахсларга мазкур кафолатлар берилмайди.

МУЛОҲАЗА

Ҳозирги ёшларга бу ўйинлар ҳақида айтсангиз, ҳайрон қолишади. Бу ўйинлар бугун «йўқ бўлиб кетган» десам, «қишлоқларда ўйналади» дейишингиз мумкин. Аммо бу ўйинлар ҳозир қишлоқларда ҳам фақат байрамлардагина махсус тайёрланган раққослар томонидан кўйиладиган бўлиб қолган. Ишонмасангиз, ёшларни кузатинг.



Мактабга энди чиққан кезларим телефон деган «матоҳ» қишлоғимизда бор-йўғи бир-икки кишидагина бўларди, холос. Кўча-куйда телефони бор одамни кўрсак, ҳавас қилардик, очиги. Телефон кўринишидаги ўйинчоқларни сотиб олиб, узимизча кўчада гоз юрардик. Юқори синфга ўта бошлаганимизда бир-икки тенгдошимизнинг кўлида телефон пайдо бўла бошлади. Уларда на кўшиқ эшитиб бўларди ва на расм тушириш имкони бор эди. Фақатгина узоқ-яқинлар билан мулоқот учун фойдаланиларди. Бироқ у пайтда ҳозирги сенсорли телефонлар жуда камдан-кам учрарди. Ҳатто тугмасиз бошқариладиган телефон чиқибди, дейишса, ишонмасдик ҳам...

Телефон болалар учун балого айланяпти

Ёхуд йўқолиб бораётган халқ ўйинлари ҳақида ким қайғуради?

Эътибор берадиган бўлсак, ўша вақтлари телефонларнинг деярли 90 фоизи тугмали бўлиб, улардан фақат алоқа воситасида, биров замонавийларида эса қўшиқ тинглаб, расм олиш учун ҳам фойдаланилган. Одамни ўзига жалб қиладиган ортиқча нарсалари йўқ эди. Фақатгина «илон» ўйини бўлар, зериккандан онда сонда ўйнардик. Лекин «илон» ўйинига қараганда дўстларим билан ўйнайдиган «чиллак», «қўзбойлама», «оқ теракми, кўк терак», «эшак минди», «хаппак» каби ўйинларимиз қизиқарлироқ эди.

Бугун-чи, бугун бундай ўйинларнинг ўрнини замонавий гаджетлар эгаллади. Қаерга, кимга қараманг, кўлида «ойтовоқ»дек смартфонларни ушлаганча ундан бошини кўтаргиси келмайди. Ёшларни-ку кўя турайлик, ҳатто катталар ҳам бўш вақтининг кўп қисмини телефондаги ҳар

хил ўйинлари видеолар кўриш билан ўтказиб юбормоқда.

Ҳозир аксарият ота-оналар фарзандларини тинчлантириш учун дарров кўлига телефон тутқазишади. Унинг зарарлари ҳақида эса ўйлаб ҳам кўришмайди. Мутахассисларнинг фикрича, телефондан чиқаётган нур инсон мия ҳужайраларига жиддий таъсир қилиб, мия ўсмасини келтириб чиқариб, қон-томир ва асаб тизими фаолиятининг бузилишига олиб келар экан.

Қай бир мактаб ўқувчисига қараманг, ҳатто 1-синф ўқувчиларида ҳам замонавий телефон бор. Тўғри, «замон ривожланган» ёки «телефоннинг фойдали жиҳатлари сероб» дейишингиз мумкин. Биз буни рад этолмаймиз. Аммо фарзандига телефон совға қиладиган ота-оналар хато қиладиганини, фарзандининг беғубор ёшлигини «зулмат»га айлантираётганини наҳотки

билишмайди? Фарзандларимизни телефоннинг зарарли оқибатларидан, ҳеч бўлмаса, ёшлиғида асрашимиз керак эмасми?

Гапнинг индаллосига ўтадиган бўлсак, ёшлигимизда ўйнаган ўйинларни-ку кўя туринг, ҳатто китоб ўқимасдан телефонга муккасидан кетиб термулаётган, унинг асирга айланаётганлар орасида она сути оғзидан кетмаган ёшларнинг кўплиги кишини хавотирга солади.

Бу мавзуда ёзғипману, ёшлигимдаги баъзи хотиралар ёдимга тушиб кетди. Дўстларим билан юқорида санаб ўтган ўйинларимни ўзгача мароқ билан ўйнардик. Бу ўйинларни ота-боболаримиз ҳам ўйнашган. Ёшлигимиз ўша ўйинлар билан беғубор ўтган. Айниқса, «оқ байроқ» ўйини менга жуда ёқарди. Икки жамоа ўртасида ўйналиб, рақиб жамоанинг байроғини ўз худудига олиб ўтиш талаб

этиларди. Асрга тушган шेरликларимизни «қўл бериш» орқали кутқариб кетиш керак бўларди. Рақиб жамоанинг байроғи забт этилмашгунча ўйин давом этарди.

Ҳозирги ёшларга бу ўйинлар ҳақида айтсангиз, ҳайрон қолишади. Бу ўйинлар бугун «йўқ бўлиб кетган» десам, «қишлоқларда ўйналади» дейишингиз мумкин. Аммо бу ўйинлар ҳозир қишлоқларда ҳам фақат байрамлардагина махсус тайёрланган раққослар томонидан кўйиладиган бўлиб қолган. Ишонмасангиз, ёшларни кузатинг. Ёшлар ўртасида сўровнома ўтказинг. Юқорида санаб ўтган ўйинларимиздан қай бирини ўйнашар ёки қайсиларининг номларини билишар экан...

Сиз-чи, сиз қандай ўйинларни биласиз, азиз маҳалладош?

Мансурбек ЖАББОРОВ,
журналист.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Қабуллар рақамлар эмас, аҳоли розилиги учун ўтказилади



Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов иштирокида Жарқўрғон ва Қумқўрғон туманларида сайёр қабуллар ўтказилиб, кўплаб масалаларга ечим топилди.

Жарқўрғон туманидаги «Қумқишлоқ» маҳалласида ташкил этилган қабул давомида вилоят ҳокими 117 нафар аҳоли билан шахсан учрашиб, уларнинг 134 та турли масаладаги мурожаатларини тинглади. Қабул қилинган мурожаатларнинг 32 таси шу ернинг ўзида ижобий ечимини топди. 102 таси ўрганиш чиқиш учун муддат, ҳал этилиши учун қўшимча маблағ талаб қилгани боис назоратга олинди.

«Нурли диёр» маҳалласида яшовчи, 2 нафар фарзандни ёлғиз вояга етказётган она Дилдора Усмонованинг уй-жойи ёниб кетиб, оғир аҳволга тушиб қолгани тўғрисидаги мурожаати ижобий ҳал этилиб, унга моддий ёрдам ажратиб берилиши белгиланди. Шунингдек, «Қораёғоч» маҳалласида яшовчи яна бир ёлғиз она Феруза Ҳамдамова уй-жойини таъмирлашда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Вилоят ҳокими фуқаронинг уй-жойини таъмирлаш учун қурилиш материаллари ажратиб бериш масаласида масъулларга топшириқ берди.

Қумқўрғон туманида ўтказилган сайёр қабулда иштирок этган 80 нафар фуқаронинг ижтимоий таъминот, уй-жой таъмири, даволаниш, коммунал хизматларни яхшилаш, йўл қурилиши ва бошқа бир қатор масалалардаги 102 та мурожаати тингланди. Мурожаатларнинг 14 тасига шу ернинг ўзида ижобий ечим топилди, 88 тасига қўшимча ўрганилиши белгиланди.

Сайёр қабулга «Азларсой» маҳалласидан келган ёлғиз она Шоҳсанам Ашурова қарамоғида ногирон фарзанди борлиги, «Аёллар дафтари»нинг 6-тоифасида туришини, ҳозирги кунда Термиз давлат университети 2-босқичида контракт асосида ўқиётганини билдириб, контракт тўловларини тўлашда амалий ёрдам сўради. Масъуллар ушбу фуқарога амалий ёрдам кўрсатилишини ва контракт пули тўлаб берилишини маълум қилишди. Шунингдек, «Чаёнтепа» маҳалласида яшовчи Соҳибжамол Омонкулованинг уй-жой таъмири масаласидаги мурожаати ўзининг ижобий ечимини топиб, унга уй-жойини таъмирлаш учун қурилиш материаллари ажратиб берилиши белгиланди.

Умуман олганда, бу каби сайёр қабуллардан кўзланган мақсад статистик кўрсаткичлар эмас, балки муаммоларнинг ечимини излаш, ҳал этиш, фуқаролар тақдирида бурилиш, яшаш тарзида ўзгариш ясаш ҳамда инсонларнинг эртанги кунга умидини мустаҳкамлаб, ишончини орттиришдир. Бу бордаги сайёр-ҳаракатлар вилоятнинг бошқа маҳаллаларида ҳам давом этади.

Ҳоким маҳаллалар иссиқлик таъминотини ўрганди

Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдураззақов Давлатобод туманида иссиқлик тизимини модернизация ва реконструкция қилиш ишларининг бориши бўйича ўрганиш олиб борди.



Тумандаги РК-2 қозонхонаси «Халқлар дўстлиги», «Умид», «Янги Тонг» ва «Давлатобод» маҳаллаларида жами 198 та кўп қаватли уй, 8 752 та хонадон, 26 136 нафар аҳоли ҳамда 14 та ижтимоий соҳа объектларига хизмат қилади.

Умуман олганда, тумандаги 8 та маҳаллада 350 та кўп қаватли уй, 16 334 та хонадон, 46 200 нафар аҳоли ва 37 та ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик таъминоти билан таъминлаш замонавий тизим орқали амалга

оширилади. Ўрганиш давомида ҳоким муаммоларга тезкорлик билан ечим топиш лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, «Халқлар дўстлиги» маҳалласида «Обод маҳалла» дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар кўздан кечирилди. Маълум бўлишича, шу кунга қадар Ғалаба кўчасида 300 метр Д-300 мм. ичимлик сув тармоғини алмаштириш мақсадида ер кавлаш ишлари амалга оширилиб, сув таъминоти яхшиланди.

Гулшан ЖЎРАБОВЕВА,
Давлатобод тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

ИБРАТ

Шу ёшда ҳам серғайрат, тетик бўлган отахоннинг айтишича, боғда 1 600 туп ҳар хил турдаги мевали дарахтлар ва узум бор. 7 сотих иссиқхонада тропик мевалар парвариш қилинмоқда. Энг муҳими, отахон ниҳол экиш учун «юқоридан буйруқ» ёхуд бирор бир дарахт экиш акцияси бўлишини кутиб ўтирмайди.



72 ёшида боғ яратаётган отахон

ОТАХОН НИҲОЛ ЭКИШ УЧУН «ЮҚОРИДАН БУЙРУҚ» ЁХУД БИРОР БИР ДАРАХТ ЭКИШ АКЦИЯСИ БЎЛИШINI КУТИБ ЎТИРМАЙДИ. У КИШИ ЯРАТГАН БОҒЛАРИДАН КУЧ ОЛАДИ, ЎЗИНИ ЮРТИГА КЕРАКЛИ ИНСОН ДЕБ, ҲИС ҚИЛАДИ, ШУ ИШИ БИЛАН ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ҲИССА ҚўШАЁТГАНINI ЯХШИ АНГЛАЙДИ

Аслида, ниҳол экиш, боғлар барпо қилиш бизга бобомерос қадрият эканини барча ҳам билмаса керак. Айниқса, бугун интернет замонида олди-қочдидан бошқасини кузатмайдиган бир авлод шаклландики, уларнинг тарихий саводига ҳам бир мунча шубҳа қилсан киши.

«Боғ яратиш бизга бобомерос ҚАДРИЯТ», деганимизга тарихан исботимиз бор. Амир Темури бобомиз табиатни, инсонни соғломлаштириш, чўл-биёбонларни ободонлаштириш ва деҳқончиликни ривожлантириш борасида жуда кўп ҳикматли сўзларни мерос қилиб қолдирган.

«...Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоғлар, ҳаммомлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устида работни бино қилишни, дарёлар устида кўприклар қуришни буюрдим. Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учунчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин», – деб ёзган Амир Темури бобомиз ўзи яратган боғлар ҳақида.

Қолаверса, муқаддас динимизда кўчат экиш, боғ яратиш ҳақида кўплаб саҳиҳ ҳадислар бор. Жумладан, Анас ибн Молик розияллоҳу анху Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: «Агар бир муслим банд кўчат ўтқазса ёки экин экса, ундан қўшми, инсонми ёки ҳайвонми еса, бунинг учун унга садақа (қилганлик савоби) бўлади» (Имом Муслим ривояти).

Бу ҳадис кўчат экиш, деҳқончилик қилиш фазилати ва аҳамияти нечоғли улғунлиги, кўчат экувчиларнинг Аллоҳ даргоҳида эришадиган ажр-савоблари ҳақида хабар беради. Ушбу амал инсонга нафақат тирикчилигида, балки вафотидан сўнг ҳам манфаат етказиб туради, қиёмат кунига садақаи жория сифатида банд фойдасига хизмат қилади.

Ушбу ҳадислар ва бобомерос қадрият маъно-мазмунини яхши англаган Бухоро вилояти Олот туманидаги Хосабўйи қишлоғида истиқомат қилувчи 72 ёшли қарши олган Холмурод бобонинг дарахтларга бўлган меҳри ўзгача. У киши йиллар давомида барпо қилган 55 сотих майдонга эга боғни айланар экансиз, ҳосилдан шохлари эгилиб турган турли дарахтларни кўриб ҳайратланасиз, ҳавас қиласиз, завққа тўласиз.

Шу ёшда ҳам серғайрат, тетик бўлган отахоннинг айтишича, боғда 1 600 туп ҳар хил турдаги мевали дарахтлар ва узум бор. 7 сотих иссиқхонада тропик мевалар парвариш қилинмоқда. Энг муҳими, отахон ниҳол экиш учун «юқоридан буйруқ» ёхуд бирор бир дарахт экиш акцияси бўлишини кутиб ўтирмайди. У киши яратган боғларидан куч олади, ўзини юртига керакли ҳис қилади, шу иши билан жамият ривожига ҳисса қўшаётганини яхши англайди.

Ерга ниҳол қадаш бугун ҳар

қачонгидан долзарб аҳамият касб этаётганини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Чунончи, юртимизда тобора тез-тез кузатилаётган чанг бўронлари фикримизни тасдиқлайди.

Яна бир эътибор беришимиз лозим бўлган жиҳат, бу — атмосферанинг ифлосланишидир. Тирик организм сувсиз ва овқатсиз бир неча кун яшаши мумкин. Аммо ҳавосиз 5 дақиқадан ортиқ яшай олмайди. Ҳаво таркибининг ўзгариши, яъни унинг ифлосланиши нафақат инсонга, балки барча тирик жонзотларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун атмосферани тоза сақлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу эса ҳар биримиздан Холмурод отадек табиатга меҳр қўйишни, ҳовлимизга ҳеч бўлмаса бир туп дарахт, бир туп гул, бир туп бута экиб бўлса ҳам атроф-муҳит тозалигига ҳисса қўшишимиз кераклигини англайди.

Инсон кўли гул, у истаса мўъжиза яратишга қодир.

Аммо буни барчамиз тўғри англайвермаймиз. Одамларнинг ўзи яшаб турган уйи ёки ишлаётган жойига эътиборли ва меҳрли бўлиб, дарахтлар, гуллар экиши, уларни парвариш қилиши юртимизда яшил ҳудудларнинг янада кўпайишига хизмат қилади.

Қолаверса, юртимиз чиройига чирой қўшади. Яшиллик, тоза, озода масканлар табиийки, чет эллик сайёҳларни ўзига кўпроқ жалб қилади. Кўрпачисизми, биргина ерга ниҳол қадаш ортидан ватанимиз ривожига қанча улкан ҳисса қўшиши мумкин.

Ақлли одам фақат бугун билан яшамайди. Балки у келажги учун сармоя киритади. Холмурод ота ана шундай ўзи ва авлодлари учун айни муддаога учун сармоя қилиб улкан боғлар яратаётган миришкор боғбондир. Ҳар биримиз у кишидан ўрнат олсам қўрайди. Истардикки, Холмурод бободай инсонлар сафи янаям кенгаяверсин!..

Саида ИБОДИНОВА.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Саёҳат мазмунли ва таассуротга бой бўлди

Республикамизда ҳар йили ноябрь ойида саёҳат ва зиёратларни амалга ошириш аъёнага айланмоқда. Ана шу аъёнанани давом эттирган фарғоналик нурунийлар Хива ва Самарқандга саёҳат қилдилар. Улар сафида бир гуруҳ онахонларимиз, жумладан, «Бувижонлар мактаби» аъзолари ҳам бор.



Олтиариқ тумани ҳокимлиги, Маҳалла жамоат фонди, Нурунийлар жамоатчилиги кенгаши бошчилигида ташкил этилган саёҳат давомида халқимизнинг бой тарихи, ажодларимиз қолдирган маданий ва миллий мерос, «Боқий шаҳар» мажмуаси зиёратчиларимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

— Саёҳат жуда таассуротларга бой бўлди, — дейди олтиариқлик

Ҳолида Жабборовва. — Очиғи, кўпчилигимиз ўзимиздан билиб бундай зиёратларга боришга ҳафсала қилавермаймиз. Шунинг учун бундай саёҳатнинг уюштирилиши биз, нурунийлар учун айни муддао бўлди. Ахир бежизга халқимизда юрган дарё, ўтирган буйра, дейишмайди-да. Саёҳат кичик умр, у сенга бир олам қувонч, ижобий ҳиссиётлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Улуғбек ИБОДИНОВ

Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазириликнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uy» МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Улчами — АЗ, 4 босма табоқ.
7 825 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1218
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

